

# O'ZBEKISTON adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIIY,  
MA'NAViy-MARIFIY,  
IJTIMOIY GAZETA

1956-yil 4-yanvardan  
chiqa boshlagan

2023-yil 24-mart  
№11 (4722)



Адабий дўстлик – абадий дўстлик

## ОҚ КЕМАДАЙ ОППОҚ УЙ

**Баҳор келиши билан олам улкан оқ кемага айланди. Гўё Чингиз Айтматов тасвирлаган юксак орзулар тимсоли бўлган бу оқ кема туркий халқларни ҳамжихатликка ундаётгандек. Асаларилар ўткир қалами билан болдай ширин асарлар битмоқчи. Асалари қутсидек бежирим жомадонларда юз жилдик азалий битиклар жамланаётгандек.**

Нектар йиғайтган болариларга қараб беихтиёр туркий халқлар адабиёти ривожини йўлида бирлашайтган ижодкорларнинг жонсарак изланишлари мохиятан уйғониш фаслининг бегубор манзараларига ҳамоханлигини ҳис қиламан. Таъбир жоиз бўлса, Будапешт шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг Венгриядаги қароргоҳида бўлиб ўтган мижоз халқ озодлиги куйчиси Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллигига бағишланган халқаро таржималар танлови ҳам бетакрор баҳор анжуманига айланди. Унда туркий давлатлар шоирлари, элчилар, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари катнашди.

– Туркий тилли давлатлар ташкилотининг Венгриядаги қароргоҳи раҳбари Янош Ховари оташин шоир Шандор Петёфи асарлари таржимаси бўйича ташкил этилган халқаро танловнинг қон-қардош халқлар адабий, маданий алоқаларини мустаҳкамлашдаги муҳим аҳамияти ҳақида тўхталиб, ўзаро ижодий ҳамкорликни ҳамisha қўллаб-қувватлашга тайёриликни маълум қилди, – дейди анжуман иштирокчиси, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон. – Венгрия Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Кинга Эреш ҳамда туркшунос олимлари, таржимонлар сўзга чиқиб, халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима масалалари бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Айтишларича, танловга беш юздан зиёд таржима тақдим этилибди.

Туркий тилли давлатларда яшаб ижод қилаётган юз нафардан зиёд шоир Шандор Петёфи шеърлари таржимаси танловда катнашди. Рамил Аҳмед, Жовид Мавсумли (Озарбайжон), Даврон Бириккажули (Қозоғистон), Тўлуқ Бек Байзоқ (Қирғизистон), Турсун Аян (Туркия), Ақмурат Ражабов (Туркменистон), Рустам Мусурмон (Ўзбекистон) Туркий давлатлар ташкилотининг фахрий ёрлиги билан мукофотланди. Таржимонлар Шандор Петёфи шеърларини ўз она тилларида ўқиб беришди. Тадбир доирасида “Мижоз масаллари” китобининг турк тилидаги янги наشري тақдими бўлиб ўтди.

Яна бир гуруҳ ўзбекистонлик ёзувчи, шоирларнинг Беларусь пойтахти Минскда бўлиб ўтаётган “Ўзбек адабиёти кунлари”да иштирок этаётгани ҳам хоржий адабий алоқаларимиз тобора ривожланаётганидан дарак. Унда катнашайтган ҳамюртларимизнинг миллий адабиётимиз ҳамда икки томонлама алоқаларини ривожлантириш истикболлари ҳақидаги фикрлари беларус мағбуотида эълон қилинди. Қуйидаги мактуб эса аини вақтда бўлиб ўтаётган адабий жараён тафсилотларидан сўзлайди:

“Минск шаҳрида бир ҳовли бор, – деб ёзди Кўчкор Норқобил. – Бу ерда деярли хар кунни Ўзбекистон, ўзбек халқи улугланади. Одам оёғи узилмайдиган бу хонадон бекаси Василиса бизни ўз оғаларидек очик юз билан қарши бори. Дарвоқе, Ва-

силиса беларуснинг буюқ ўғлони, ардоқли шоир Якуб Коласнинг чевараси. Биз кўриб турган бу даргоҳ бир вақтлар улуг шоир яшаган, аини вақтда эса уй-музейга айлантирилган серфайз маскандир. Музейда бизни ризқ-рўз билан қарши олишди, кечки нонуштага дастурхон тузашди, ўзбек удумларига монанд кўк чой дамланди. Беларусь ТВ ҳамда ОАВ вакиллари воқеани адабиёт тарихига муҳради. Сафимизда москвалик, козоғистонлик ва бошқа адиблар ҳам бор.

Чойдан сўнг Василиса бизни музей билан, шоир ҳаёти билан таништирди. Мезбонимиз миннатдорлик ила ҳар икки гапнинг бирида Ўзбекистон ҳақида, ўзбеклар ҳақида тўлқинланиб, айрим ҳолларда кўзлари тубида ёш айланиб гапирди. Якуб Колас яшаган уйнинг қай бир хонасига кирмайлик, ўша ерда Ўзбекистон билан боғлиқ бирор ҳодиса ё шоир ҳаётида ўчмас из қолдирган воқеадан гувоҳлик берувчи ашёга дуч келамиз.

Шоир Иккинчи жаҳон уруши даврида икки йил Тошкентда яшаган. Тошкент бошпана бўлган, ўзбеклар унга меҳр кўрсатган. “Чимган”, “Салор”, “Қуёшнинг ботиши” каби бетакрор шеърларини шу ерда ёзган, китоблари чоп этилган. Энг муҳими, бағрикенг, меҳрибон халқимизнинг меҳрини туйган, бошига иш тушган инсонга таянчу суянч бўла оладиган, яшилгини миннат қилишни ор билдирган оқибатли одамларнинг мардлигини хис қилган.

Аваллига мезбон юзхотир учун Ўзбекистонга, ўзбекларга атайлаб ургу беряптимикин, деган хаёлга бордим. Василисанинг кўзлари тубидаги қайноқ ёш мавжларини кўриб, шундай хаёлга бор-

ганимдан уялиб кетдим. Уй-музейдаги экспонатлар, китоблар, шеърлар, ўзбек адибларининг сувратлари, мониторда акс этиб турган манзаралар, ҳатто миллий бош кийимимиз, ўша даврнинг қосага ўхшаб кетадиган шопиёласи... бари-бари Ўзбекистонни эслатиб турсаю, қандай қилиб Ўзбекистон ҳақида гапирмаслик мумкин?!

Василиса бир гапни айтиб қолди: “Ўша йиллари бобомнинг вужуди Тошкентда бўлса ҳам қалби Беларусда эди... Ватанига қайтгач, жисми бу ердаю қалби, бутун руҳи билан Тошкентга кўчди. У умрининг сўнги кунларигача Ўзбекистон ва ўзбеклар ёди билан яшади. Демак, бу Сизнинг ҳам уйингиз. Келиб турсангиз, ўзимнинг ўзбегим келди, деб бобомнинг руҳи шод бўлади”.


Гурурланиб кетдим. Чунки бу хонадонда Ўзбекистон яшаётгани, довараклар билан ўралган сокин уй тимсолида меҳрибон Ватаним ва Халқимга мангу ҳайкал қўйилганини хис қилдим. “Бир кун туз еган жойингга қирқ кун салом бер”, деган ўзбекча нақли беларуслар бировдан яхшилик кўрсанг, бир умр унутма, деб талқин қилишаркан.

Хайрлашув чоғида ёнимдаги москвалик ва козоғистонлик адибларнинг бизга энди бошқача, меҳри ийиб қараётганини сезиб қолдим. Бу туйғунни биргина мен эмас, шерикларим – шоирлар Салим Ашур, Сирожиддин Рауф, Николай Ильин, навоийшунос олимимиз Олимжон Давлатов ҳам хис қилди.

Машинага чиқаётиб беихтиёр орта юзландим. Уй эгалари худди ўз ака-укаларини сафарга кузатаётгандек қўл силқишпти. Уй ҳам бироз мунгайиб, яна келинлар, деб илтижо қилаётганга ўхшарди. Кўнглимдан: “Биз яна келамиз, қадронлар! Эй, оқ кемадай оппоқ уй, ахир, Сен бизга чин ўзбеклик ҳақида сўзлаяпсан-ку, албатта, келиб туришимиз керак экан...” деган уй кечди”.

Зулайхо АХМАДЖОНОВА

Шеърый лаҳза



БАҲОРГА  
САЛОМ

Ёмғирлар осмоннинг ерга инъоми, Майсалар заминнинг яшил каломи, Шундоқ яраларкан умр мароми, Бизни йўқлаб келган баҳорга салом.

Ҳар новда қувончи – кўз очган куртак, Худодан хушхабар кўкармак, унмак, Аё дўст, бу дамга шукрона керак, Бизни йўқлаб келган баҳорга салом.

Лолалар ловулар лобар қизлардек, Оқ булут хуш ёкар оппоқ юзлардек, Сумалак сузишар ифор сузгандек, Бизни йўқлаб келган баҳорга салом.

Кўнгилар кўқлашар, кўнгилар гуллар, Туйғу тўлкинидан тошади диллар, Кўр тўкиб дуога очилар қўллар, Бизни йўқлаб келган баҳорга салом.

Қувонч кўнғироғин чалғувчи фасл, Минг битта дардингни олғувчи фасл, Фасллар париси – асил-да, асил, Бизни йўқлаб келган баҳорга салом.

Олам қақшаганди қишнинг қаҳрида, Энди энтикади баҳор бағрида, Маҳмуд қулоч отар илҳом наҳрида, Бизни йўқлаб келган баҳорга салом.

Маҳмуд ТОНР,  
Ўзбекистон халқ шоири

Ислохот ва ҳаёт

## ИБН СИНОДАН ҚҮЛ ОЛГАН АЛИШЕР

Кейинги беш йил мобайнида мамлакатимиз тиббиёт тизимида, хусусан, кардиология соҳасида тезкор ривожланиш кузатилади. Аиникса, юрак-қон томир жарроҳлиги соҳасида эволюцион эмас, революцион ўзгариш эс берди. Ҳўш, бунинг исботи нималарда кўринади?



Авалло, Ватанимиз пойтахти Тошкентда ва айрим вилоятларда Европа стандартлари талабига жавоб берадиган юрак жарроҳлиги амалиётларини ўтказиш учун керакли моддий-техник база, профессионал кадрлар захираси яратилди. Ривожланган давлатлар тажрибасини ўзлаштирган ватандошларимиз томонидан замонавий тиббий технологиялар асосида ўтказилаётган юрак жарроҳлик амалиётлари юқори сифати билан жаҳон радиожарроҳлари этиборини тарта бошлади.

– Бугунги кунда бутун дунёда энг кўп қилинадиган юрак операциялари бу коронар шунтлаш операцияси ҳисобланади, – дейди таниқли кардиожарроҳ, тиббиёт фанлари доктори Алишер Меликулов. – Ушбу амалиётнинг икки хил усули бор. Биринчи усулда юрак тўхтатиб қўйилади ва фаолиятсизлашган юрак қон томирлари беморнинг оёқларидан олинадиган томирлар билан алмаштирилади. Бу усул кардиожарроҳ учун бирмунча қўлай бўлгани билан, ҳаста юракда асорат қилиш эҳтимоли катта. Иккинчи усулда эса, ишлаб турган юрак қон томирларига томир тикилади. Тўғри, ишлаб турган юракнинг 1-2 миллиметрли қон томирларига томир тикиш жудаям мураккаб жараён, ушбу амалиёт кардиожарроҳ ва унинг жамоасидан юқори малака ҳамда тажрибани талаб қилади. Бироқ бу усул бемор учун натижалари – юрак ва бошқа аъзолар “травма” олмайди. Қолаверса, ортиқча дармондори, қон, плазма ва юрак тўхтатилганда ишлатиладиган ноёб дорига эҳтиёж сезилмайди. Биз доим бемор учун энг фойдали усулни танлаймиз. ▶ 2

## МАРДЛИККА ҚАСИДА

Тўмарис, Муканна, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби мард инсонлар образлари ҳамisha хореография санъати намояндаларининг диққат марказида бўлиб келган. Мухтор Ашрафий, Икром Акбаров, Георгий Мушель, Леонид Фейгин, Улугбек Мусаев каби композиторларнинг ушбу қаҳрамонларга бағишланган асарлари турли сахналарда намойиш этилган. Таниқли балетмейстер Юрий Григорович бу санъат ҳақида шундай деган: “Балет ниҳоятда нафис ва нозик санъат... Юксак поэзия ва мусикадан яралган бу санъат умуминсоний муаммоларни, уруш ва тинчлик масалаларини, одамзотни безовта қилувчи чуқур фалсафий ғояларни кўтариб чиқишга қодир”. Дарҳақиқат, балет бугун инсониятнинг барча муаммоларини кўтариб чиқишга қодир санъатга айланди.

Яқинда Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида сахнага қўйилган “Жалолиддин Мангуберди” номли янги хореографик асар фикримизнинг далилидир. Бу озодлик, ватан мустақиллиги йўлида қураш, севгига садоқат ҳақидаги қаҳрамонна романтик

поэмадир. Ёрқин характерлар ва юксак ҳис-туйғуларга бой бу асар бизни олис ўтмишга етаклайди. Ўзида халқ қаҳрамонининг энг яхши хислатларини мужассам этган Жалолиддин Мангуберди, нафосатли ва кучли Гулбону, золим Чингизхон образлари томошабинни ҳаяжонга солади, сергаклантиради.

Балет муаллифи, таниқли композитор Рустам Абдуллаев ўз асарига XIII асрнинг икки ўн йиллиги давомида юз берган хавотирли ва фожеали воқеаларни образли тарзда умумлаштириб акс эттирган. Композитор замонавий мусика маданиятининг барча ютуқларини ҳисобга олган ҳолда кенг қўламли қудратли мусика яратишга муваффақ бўлган. Жалолиддин Мангуберди ва унга содиқ жангчилар жасоратининг бекиёс кучи хоразмшоҳ Муҳаммад даврининг емирилишига асосий сабаблардан бўлган ака-укалар ўртасидаги келишмовчиликлар мусикада ёрқин аксини топан. ▶ 5



Шарқ мумтоз адабиёти

## СИМУРҒ – ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Шарқ мумтоз шеърятини рамзлар алоҳида аҳамият касб этади. Шарқда ижод ахли рамзий образлардан фойдаланган, аиникса, шоирларнинг севимли образларидан бири куш образидир.

Симурғ – шарқ халқлари оғзаки поэтик ижодидаги афсонавий куш; осмонда учиб, узок манзилларни яқин қилиш ҳақидаги асрий орзу-умидларнинг рамзий ифодаси. Дастлаб “Авесто”да “сенемурғ” шаклида ишлатилган. Яъни XIV яшда тасвирланишича, “саена меруға” бахайбат куши Ворукаша денгизининг ўртасидаги “хаёт дарахти”нинг тепасида уя қурган. Булутдек улугвор

канотлари билан “хаёт дарахти”ни ёвуз қушлардан ҳимоя қилувчи “саена меруға” (симурғ) ҳақидаги илк мифлар, назаримизда, Ворукаша ёки “Қирғоқсиз денгиз” деб аталувчи Орол денгизи бўйларида, яъни қадимги Хоразм воҳасида яратилган. “Авесто” тадқиқотчиси К.В.Тревернинг таъкидлашича, бу ҳаёлий куш номи дастлаб Саена-меруға шаклида бўлиб, “ит-куш” деган маънони аналган. Симурғ қадимги зардуштийлар мифологиясида ит бошли куш – асотирий жонзот сифатида тасвирланган. Чунончи, “Бундахишн”да: “Ўн биринчи бўлиб тунда яшайдиган мавжудотлар яратилган, шулардан

иккитаси – ўз болаларини кўкрак сути бериб боқадди. Бу Сэнмурв ва кўршапалак бўлиб, тунда учадилар. Айтилганидек, тунда кун кўрувчилардан ит-куш ва мушакдор жонивор яратилган, чунки улар қушга ўхшаб учадиган, оғзида итники сингари тишлари бор, мушакдор жониворлар каби гўрларда яшайдилар”. “Бундахишн”нинг бошқа бир жойида эса “...қушлар орасида иккитаси бошқаларидан фарқли қилиб яратилган: бу Сэнмурв ва кўршапалак бўлиб, оғизларида тиши бўлган бу жониворлар боласини кўкрак сути бериб боқадди”, дейилади. ▶ 4

Китобингизни ўқидим

## «ОЙНАЙИ ЖАҲОН»НИНГ ОЙНАСИ

Телевизор ўзбек хонадонига ўтган асрнинг олтишинчи йиллари бошида кириб келди. Унганча театр ва кино кўриб юрган элимиз ўз уйда ўтириб, кинони ҳам, театрни ҳам, бошқасини ҳам кўра оладиган бўлди. Ҳар оқшом чичга сув солиб “линза” ясалган қабақик шиша орқали шапалоқдек экрандан дунё янгиликлари ҳақида нафақат хабар берилар, балки кўрсатилар ҳам эди. Биз у пайтда ёш боламиз, бугун Даврон Зуннунов билан Насиба Иброҳимова, эртаси Насиба Қамбарова билан Ўқтам Жобиров, ҳуллас икки диктор навбатлашиб хабарлар ўқишарди. Берилаётган янгиликларни бутун эл-юрт ютоқиб қутар, радио билан уйғониб, телевидение билан уйқуга кетар эди.

Мана, орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди, ўшанда берилган хабарлар, чунончи, қайсидир сиезд ёки пленум, бирон туманда фалон центнердан пахта етиштириш ниятида ишлаётган деҳқонларнинг иши бундан эсдан ҳам чиқиб кетган, албатта. Бироқ ўша дикторларнинг одоби, маданияти, ўн-ўн беш миллионли аудиторияни ҳис этиб, шунга яраша тамкинлик, виқор билан ўзларини тугишларини соғиниб кетаман. Бугунги “бошловчи”ларнинг жилпанглашу қийанглашларини кўриб ўтириб эса... хайфи келади кишининг. Ўзбек телевидениеси элга фақат хабар эмас, маданият ҳам тарқатгани бор гап.

Ўшандан бери телевидениеда ишлаб келаётган, бу даргоҳда оддий ходимликдан бош муҳаррирликкача бўлган йўлни босиб ўтган Марат Асадуллаевнинг “Телевидениенинг назарий ва амалий асослари” деб номланган китобини кўрдим, ўсимр чоғимизда қўшиллар уйига телевизор кўргани қатнаганларимиз ёдимга тушиб кетди. У замонларнинг телевизорлари бироз вақт ўтиб, аста ёришгани каби, бу китоб ҳам киши хотирасининг аллақайси пучмоқларида яшириниб ётган гўзал лавҳаларни ўқиганингиз сари равшанлаштирадиган асар бўлибди. ▶ 2



Бошланиши 1-саҳифада

Алишер Меликулов 2004 йили Тошкент тиббиёт институтини татомлаб, Москвадаги Бакулев номидаги юрак қон томир жарроҳлиги илмий марказига ординатурага ўқишга кирган ва 15 йил мобайнида ўша ерда фаолият юритган. Мазкур марказда у дунёнинг таниқли юрак трансплантологлари таркибидан ўндан зиёд юрак трансплантацияси операцияларида иштирок этди. Хорижда етакчи кардиожарроҳ ва медицина фанлари доктори даражасига эришгач, ўзи ҳам Москвада мингдан зиёд юрак жарроҳлигини мустақил амалга оширди. 2019 йилда ҳамюртимиз ўз жамоаси билан Президентимизнинг юқори малакали ватандошларни

май қолганди. Йирик илмий-амалий тажрибага эга кардиожарроҳларимиз дарров ишга киришди. Ўтказилган лаборатор ва инструментал текширув натижасида юрак ишемик касаллиги сабаб беморнинг қон томирлари торайиб, ёпиладиган ҳолга келиб қолгани аниқланди. Яъни юракка қон келиш жараёни кескин бузилган ва бунинг оқибатида юракнинг қисқариш фаолияти икки баробар камайган, юрак бўлмачалари эса, аксинча, икки баробарга кенгайиб кетганди. Бундан ташқари, атеросклероз оқибатида бош миёни қон билан таъминлайдиган уйку артериясида икки томонлама 80-85 фоизли торайиш ҳамда юракдаги митрал клапаннинг оғир даражаси етишмовчилиги кузатилди. Камига, юракнинг қонни хайдаб бериш функцияси меъёрдан

ёшда, бунинг устига, у ўта хавфли ҳасталикка учраган беморлар гуруҳига мансуб. Бу гуруҳдаги беморларда ўлим кўрсаткичи, одатда, эллик-олтмиш фоизни ташкил этади. Шунга қарамай, бемор жарроҳлик столига олинган. Операция ўн соатдан кўпроқ давом этди. У икки кун реанимацияда ётди. Учинчи кун умумий бўлимга ўтказилди. Тўртинчи кун бўлимда бировнинг ёрдамисиз ҳаракатланар, бешинчи кун эса ҳаётдан завқланиб, ўгли билан чак-чақлашиб, бемалол боғда сайр қиларди. Ўтказилган операция сифати инструментал текширувлар билан баҳоланса-да, шифокорлар наздида беморнинг юриш-туриши, кайфияти унинг ҳолидан хабар берувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бировнинг ёрдамисиз ўрнидан туриб, ўйнаб-қулиб юрибдими, демек, операциядан яхши чиққан бўлади.

Ҳа, юракка йўл топиш ҳар иккала маънода ҳам жуда мушкул иш. Беморни ҳаётга қайтариш, шифо бахш этиш – чинакам қаҳрамонлик. Вужуднинг бир муштумдек аззосига етган дард ҳар қандай одамни беҳол қилади. Аммо инсон энг сўнгги вазиятда ҳам Яратгандан мўъжиза кутади. Шифокорнинг юксак салоҳияти, чуқур илми, тажрибаси, теран тафаккури ва Худо берган истъодиди сабаб ҳаётга қайтаётганлар соғлиқнинг кадр-кимматию тиббиёт тизимидаги ислохотлар самарасини биздан кўра теярроқ ҳис қиладилар.

– Бирдан учта мураккаб операцияни амалга ошириш ҳам, тавақал қилиб, унга розилик бериш ҳам осон бўлмади, – дейди Мустафо ота Холмирзаев. – Айтишларича, Ўзбекистон тиббиёти тарихида хали бундай мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилмаган экан. Менга ишонч бергани – кўрқмасдан, ҳеч қандай хавфга берилмасдан, қатта журъат билан оламшумул ишга қўл урилгани бўлди – натижада ҳаётга қайтдим. Тўғри, бошида ўз юрагим устида тажриба ўтказишларига рози бўлишдан чўчидим, ҳаяжонлар

бўлди. Аммо одам ҳаётга бир марта келади, шундай экан, албатта, бундай имкониятдан фойдаланишим керак, деган қарорга келдим. Мана, бугун ўз тажрибамдан ўтказиб билдимки, Ўзбекистонда ҳам хориждагидан кам бўлмаган юрак жарроҳлиги амалиёти ўтказиш мумкин экан. Тилагим шуки, мамлакатимиз тиббиёти бундан-да юксак натижаларга эришиб, Алишер Меликуловдек кардиожарроҳларимиз замонамиз Ибн Синолари бўлиб камол топсинлар.

– Биринчи босқичда бўйин қон томирларидаги артерострактик пиллакчани олиб ташлаб, миёнинг қон айланишини яхшиладик, – дейди Алишер Меликулов. – Иккинчи босқичда ишлаб турган юракда уни қон билан таъминлайдиган томирларда коронар шунтлаш операциясини амалга оширдик. Юракда қон айланиши тиклангач, сўнгги босқичга ўтиб, юракни тўхтатдик ва клапандаги нозик муаммонни бартараф қилдик.

– Биринчи босқичда бўйин қон томирларидаги артерострактик пиллакчани олиб ташлаб, миёнинг қон айланишини яхшиладик, – дейди Алишер Меликулов. – Иккинчи босқичда ишлаб турган юракда уни қон билан таъминлайдиган томирларда коронар шунтлаш операциясини амалга оширдик. Юракда қон айланиши тиклангач, сўнгги босқичга ўтиб, юракни тўхтатдик ва клапандаги нозик муаммонни бартараф қилдик.

– Биринчи босқичда бўйин қон томирларидаги артерострактик пиллакчани олиб ташлаб, миёнинг қон айланишини яхшиладик, – дейди Алишер Меликулов. – Иккинчи босқичда ишлаб турган юракда уни қон билан таъминлайдиган томирларда коронар шунтлаш операциясини амалга оширдик. Юракда қон айланиши тиклангач, сўнгги босқичга ўтиб, юракни тўхтатдик ва клапандаги нозик муаммонни бартараф қилдик.

– Биринчи босқичда бўйин қон томирларидаги артерострактик пиллакчани олиб ташлаб, миёнинг қон айланишини яхшиладик, – дейди Алишер Меликулов. – Иккинчи босқичда ишлаб турган юракда уни қон билан таъминлайдиган томирларда коронар шунтлаш операциясини амалга оширдик. Юракда қон айланиши тиклангач, сўнгги босқичга ўтиб, юракни тўхтатдик ва клапандаги нозик муаммонни бартараф қилдик.

Шухрат АЗИЗОВ

## «ОЙНАЙИ ЖАҲОН»НИНГ ОЙНАСИ

Бошланиши 1-саҳифада

XX аср кашфиётларга бой бўлди. Самолёт, тиббиёт ютуқлари, космосга учиб, компьютер ва ҳоказоларнинг ҳар бири юзлаб ихтиролар негизда юзага келди. Бирок телевидение ҳам XX аср фарзанди. Марат Асадуллаев эса айнан уни «XX асрнинг энг оламшумул ихтироси» деб тақдим этади. Ўйлаб қарасак, бу гапда ҳам жон бордай. Ахир, масалан, телеэкран бўлмаганида компьютер қайқандан яратилар эди? Ҳозирда техникаларнинг қай бири экран – ойна жаҳонсиз ишлай олади?

Ўзбек телевидениеси 66 йиллик тарихга эга. Шунга ҳаёлга келтириб, ана шу бир асрнинг учдан икки қисми ўзбек маданияти тарихининг асосий тажассумидир десак, хато бўлмас. Бу мўъжиза бизни дунёдаги янгиликлардан хабардор қилибгина қолмади, балки дунёқарашларимиз ҳам у орқали ўзгарди, бойиди. Бугунги ўзбекистоннинг менталитети асосан ўзбек телевидениеси таъсирида шаклланди, дейиш мумкин, бу муболага эмас. Ахир, биз кинони ҳам, театрни ҳам асосан ТВ орқали томоша қиламиз, ашулаю мусикани ундан эшитамиз, хатто рассомларнинг полотнолари, чеварлар тиккан кашталарни унинг ойнасида кўраемиз. Мухбир ва мутахассислар шарҳи орқали миллатимизнинг ижтимоий тафаккури шаклланади.

Муаллиф бизга экраннинг, телекамеранинг орқа томонини кўрсатади. Чунончи, қирқ-эллик йилдан бери мунтазам эфирга чиқиб келаётган талай кўрсатувлар экранда қандай ва қимнинг ташаббусию қимларнинг далласи билан майдонга келганини билемизми? Китобдан маълум бўлишича, телесаҳна устаси Эргаш Каримов ўзига таниш бир оилада юз берган воқеани қозғошга тушириб, уни телевидениеда кўрсатишни сўраб телережиссёр Элбек Мусаевга берган. Элбек ака уни маъқуллаб, бу воқеалар шундайлигича тугатай, бирон оқоқол насихатомуз сўзлар билан уни яқунласа, янада таъсирлироқ бўлар эди, деган истак билдиради. ТВнинг қаттаси Убай Бурҳонов эса шу оқоқол отахон мавқеани етакчи қилиб олиш ва бу каби воқеаларни таъсирга тушириб, ота шарҳи билан доимий бериб бориш лозимлигини тайинлайди... «Оталар сўзи» деб аталадиган машхур кўрсатувнинг юзага келиш тарихи ана шундай бўлган экан.

Китоб гарчи «Телевидениенинг назарий ва амалий асослари» деб ўта жиддий номланган бўлса-да, баён тарзи жуда қизиқарли, муаллиф ўқувчиларни телевидение биносига олиб кириб, унинг тарихи, бу даргоҳнинг иш жараёнлари, унинг асл захматқашлари ҳақида сўзлаб бераётганга ўхшайди. Шу аснода телевидение назарияси ва амалий иш шариоитидаги ўзига хосликлар ҳам лозим даражада илмийлик билан баёнга қўшиб кетилади, М.Асадуллаев бизни шу улкан жараёнга бевосита ошно этади.

Телевидение театр, кино ва таъсирий техника воситалари уйғунлигида юзага чиқадиган замона мўъжизасидир. Муал-

лиф бу санъат сир-асрорлари билан ўқувчини зериктирмайдиган бир услубда таништира боради. Чунончи, «Исми ҳам, жисми ҳам Маҳкам» деб номланган фильмда таниқли режиссёр Маҳкам Муҳаммедов ижоди ҳақида хикоя қилатуриб, «Телевидение жамоатчилиқнинг ижодий ҳамкорлиги натижасида юзага келадиган синтетик санъатдир. Агар таъбир жоиз бўлса, оркестрдаги бир чолғу асбоби соланмасдан қилиниб қолса ёки санъаткор бирон созни «фальш» қалса, бутун бошли мусиканинг бадиий қиммати пугур етади. Телевидение махсулоти ҳам ана шундай. Бирон компонент меъёрига етмай қолса, махсулотнинг сифати тушиб кетади. Режиссёр ана шу компонентларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, ўзининг таёқчасини ишга соладиган дирижёрдек, жумонани бошқариши лозим. Бунинг учун ундан юксак дид ва савия талаб қилинади. Бу жараёнда, албатта, таъсирчилар гуруҳи, овоз режиссёри ва муҳандиси, рассом, либослар рассоми, сахна ишчилари, қироқ усталари, техникани юргизувчи муҳандислар гуруҳларини бир вақтда бир максад сари йўналтириш учун режиссёрдан ташкилотчилик ва барча касбларнинг нозик сирларини билиш талаб қилинади», деган назарий фикрни тақдим этиб, «Маҳкам Муҳаммедов ана шундай қобилияти билан яхшигина психолог ва ўта талабчан раҳбар сифатида қатта ҳурмат қозонди», дея ана хикояни давом эттириб кетади. Кўрамизки, ўрни-ўрни билан илмий-назарий фикрлар ҳам китобхонга «сездирмасдан» синдириб борилади. Машхур ижодкорларнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолиятига оид йиғирмага яқин очерк ҳар бир ёш йигит-қизнинг кўнглида улардай бўлиш ҳавасини уйғотади. Ва албатта, телережиссёр, телеоператор, муҳаррир, тележурналист, директор ва бошловчи каби касблар ҳақидаги бу очеркларнинг ҳар бири матнида телевидение назарияси ва амалиётининг шу касб соҳасига тааллуқли бир талай илмий тушунчалар едириб кетилган.

Телевидение – қатта даргоҳ. Юзлаб касб эгаларининг меҳнатига эҳтиёж бор. Чунончи, дурадгорнинг ҳам бу ерда ўрни бўлак. Чунки ҳеч бир кўрсатув декорациясиз таъсирга олинмайди. Аммо бир умр тахта қошиб ўтганлар ҳам бор, ишим шу экан деб тўхтаб қолмай, нажорликдан ташқари вақтини бўлак ишларга ҳам сарфлаш жоиз. «Ўзбектефильм» корхонасига директор бўлишгача етиб борган Фарид Рашидов каби мутахассислар борки, муаллиф шундай одамлар фаолиятидан бўлғуси телевизиончилар учун сабоқ бўларли ҳолларни топади. «Эфирга қандай ахборотни қайси жанрда талқин этиш лозимлигини бир зумда аниқлаш фазиляти тележурналист учун ўта муҳим талаблардан биридир. Экранда намойиш этиладиган махсулотнинг жанрлари ва унинг ҳам режиссура, ҳам муаллифлик нуқтан назарини яхши аниқлаш фазиляти тележурналист касби учун асосий омиллардан» эканини уқтириб ўтади.

Тақриздан мақсадимиз ушбу китобни фақат алқаш эмас, балки шундай қимматли бир асар юзага келганини эълон қилиш, ютуқларини эътироф этиш баробарида баъзи нуқсонларини ҳам рўйи рост айтишдир. Шу жиҳатга тўхталадиган бўлсак, масалан, менга китобдаги маълумотларни баён этишда, чунончи, телевидениемиз ўтмишининг энг фараҳли онлари баёни орасида «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси» телесериалига оид тафсилотлар бошқа шу каби кўрсатувларга қараганда кенгрок берилгани туфайли мутаносиблик гоҳо бузилгандек туйилди...

Бирок бу китобнинг энг асосий фазиляти, менингча, Марат Асадуллаевнинг бир ижодкор ва бир шахс сифатидаги қатъияти, ўзи қаламга олган соҳадаги талай тарихларга ўз қарашлари ва нуқтан назарини ҳолис, дангал айта олганида бўлиб кўринди.

«Телевидениенинг назарий ва амалий асослари» деб номланган ушбу китоб комусий характерга эга: уни ўқиган катталар кўз ўнгига ўзбек маданиятининг энг жўшқин бу жаҳбасидаги қатта бир тарих аксланади, ёшлар эса ундан ўзлари учун ибрат олиб, телевидение асосларини ўрганади. Шу жиҳати билан уни журналистика ва умуман ОАВ соҳасида таълим олаётган авлод учун муқамал бир дарслик ҳам бўлибди, деб айтиш мумкин.

Муаттархон НОСИРОВА,  
Қўқон давлат музей-қўриқхонаси  
амалий санъат филиали мудури

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

## ИБН СИНОДАН ҚЎЛ ОЛГАН АЛИШЕР

Ўзбекистонга қайтариш дастури асосида она юртига қайтди. Малакали кардиожарроҳ айна пайтда хорижда олган билими ва тажрибасини ўз элдошларининг соғлигини тиклашга сарфламоқда.

Дарҳақиқат, пойтахтимиздаги АКFA Medline клиникаси жамоаси узоқ йиллардан буён хорижда ҳам, бу ерда ҳам ҳам-жиҳатлиқда ишлаб, улкан тажриба орттирган. Бугун улар чет эллик кардиожарроҳлар томонидан амалга оширилаётган мураккаб операциялар тажрибасини Ўзбекистонда татбиқ этмоқдалар. Натижада мамлакатимизда ҳам ноёб юрак жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имкони юзага келди.

Масалан, самарқандлик 63 ёшли Мушарраф Маллаева юрагидаги оғрик ошқозоноти соҳасида кузатилгани боис, узоқ йиллар ошқозонини даволатиб юрган. Бу камдан-кам учрайдиган ҳол. Онахон ошқозони ҳеч тузалмаётганидан шикоят қилиб, шифохонага мурожаат этади. Қасалхонада коронаграфия текширувлари ўтказилиб, беморнинг коронар томирларида ўткир шикастланиш борлиги аниқланади ва унга ностабил стенакардия ташхиси қўйилади. Ишлаб турган юракда коронар шунтлаш операцияси ўтказилиб, юрак қон томирларининг уч жойига янги томир тикилгач, онахонни ошқозон оғриги безовта қилмай қўяди.

Ҳаётдан умидини узган қоракўллик 42 ёшли Дилноз Авезовани кардиожарроҳлик амалиётини қўтаролмайди, деб ҳисобланганди. Аввало Худо, биз бир сабабчимиз, аслида барчамиз шунчаки бир-бирдан илм-тажрибаси билан фарқ қиладиган мутахассисларимиз, илмироғимизнинг имконияти кенгрок ҳолис, деб билган шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолишди.

Ўзбекистонда илк бор битта беморда бирданига учта мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилгани ҳам кардиожарроҳлик соҳасидаги ютуқлар салмоғидан далolat. Мустафо Холмирзаевни юрак хуружи буткул заифлаштириб, муолажалар қор қил-



икки баробар тушиб кетганди. Бир вақтнинг ўзида бир-бирига узвий боғлиқ учта мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилмас, беморнинг инсульт ё инфаркт олиш хавфи жуда юқори эди. Қисқаси, операция бемор учун охириги имкон эди. Буни яхши тушунган ўзбекистонлик шифокорлар жамоаси жаҳон тиббиёти тажрибасида камдан-кам муваффақиятли яқунланадиган кардиожарроҳлик амалиётини ўтказишни ўз зиммаларига олишди.

– Биринчи босқичда бўйин қон томирларидаги артерострактик пиллакчани олиб ташлаб, миёнинг қон айланишини яхшиладик, – дейди Алишер Меликулов. – Иккинчи босқичда ишлаб турган юракда уни қон билан таъминлайдиган томирларда коронар шунтлаш операциясини амалга оширдик. Юракда қон айланиши тиклангач, сўнгги босқичга ўтиб, юракни тўхтатдик ва клапандаги нозик муаммонни бартараф қилдик.

– Биринчи босқичда бўйин қон томирларидаги артерострактик пиллакчани олиб ташлаб, миёнинг қон айланишини яхшиладик, – дейди Алишер Меликулов. – Иккинчи босқичда ишлаб турган юракда уни қон билан таъминлайдиган томирларда коронар шунтлаш операциясини амалга оширдик. Юракда қон айланиши тиклангач, сўнгги босқичга ўтиб, юракни тўхтатдик ва клапандаги нозик муаммонни бартараф қилдик.

## Пичоқчилик тарихидан

Пичоқчилик ўтмишда қуролсозликнинг энг кенг тарқалган соҳаси бўлиб, қўллаб омилар туфайли алоҳида касб-ҳунар сифатида ажралиб турган. Пичоқчилик ривож билан ўзига хос атамалар ҳам юзага келган.

Пичоқлар хом-ашёсига қўра «дамашкий» (Дамашк пўлатидан), «исфахоний» (Исфахон пўлатидан), «фаранги» (Европа пўлатидан), «ўрусий» (рус пўлатидан), «туркона» (маҳаллий пўлатдан) каби турларга бўлинади; тузилиши ва тигишга қўра «яккадам» (бир томони тиг), «дудам» (икки томони тиг), «қўшпичоқ» (буклама), «ўроқи» (ўроқ каби, тиги ички томонида) бўлади; фойдаланилишига қўра «рўзғори», «ошпичоқ», «чопкипичоқ», «саллохи» (кассоблар пичоғи), «мардона» (эркаклар белбоғига осиб юрадиган), «шамширак» (қиличдан кичикроқ пичоқ, шамшир), «дукот» (тирноқ оладиган), «қаламтарош» (қамиш қаламларнинг учини чиқарадиган), «харбўзи» (қовун сўядиган), «чол пичоқ» (суяк тозалашга мосланган буклама пичоқ) деб аталади. Пичоқчилар орасида айрим пичоқчиларни ҳам, барча турдаги пичоқчиларни ҳам ясай оладиган моҳир усталар кўп.

Пичоқчилик муҳим касб бўлгани учун деярли ҳар бир шаҳарда пичоқчилар фаолият кўрсатган. Баъзи жойларда бу касб санъат даражасига қўтарилиб, мактаблар шаклланди. Фарғона водийсида Қўқон, Чуст, Шаҳрихон, Қорасув мактаблари маълум ва машхур.

Қўқон мактаби вақилларидан баъзиларининг номлари тарихий ҳужжатларда ва халқ хотирасида сақланиб қол-

ган. XIX асрда уста Бобоназар пичоқчи, уста Қосимжон Яроқсоз, уста Мирҳолик фаранг, Муҳаммадҷон пичоқчи Алибой ўғли каби усталар элга машхур бўлган.

XX аср бошларида мулло Исҳоқ Қосимов, уста Махмудхон Муҳаммадҷонов каби усталар ўз пичоқлари билан Париж ва Женева кўргазмаларида катнашиб, қумуш ва бронза медаллар билан тақдирланган.

XX аср ўрталарида уста Мамадали пичоқчи, мулло Орифжон маҳсум, ота-бола Қодиржон ва Одилжон пичоқчи каби усталар фаолият кўрсатдилар. Уста Омонжон Умаров Қўқон пичоқчилиги шухратини оламга таратиб, Франция, Германия, Россия, Болгария, Венгрия, Польша, Малайзияда ўтказилган халқаро кўргазмаларда юксак совринлар олишга эришган.

Бугунги кунда Қўқон пичоқчилиги санъатини Омонжон Умаровнинг ўғли, ота касбини эгаллаган Ҳасанжон давом эттирмоқда. Ҳарбий хизматни ўтаб келгач, Ҳасанжон «Усто» бирлашмасида отаси билан ишлаб маҳоратини оширди.

Ҳасанжон аънанавий услубда турли пичоқлар ишлаб, доврўг қозонди. Марказий Осиё ҳамда жаҳон миқёсидаги



Хунардан унар

қўллаб кўргазмаларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришди. Жумладан, 2001 йилда Алматыда ўтказилган

«Марказий Осиёнинг Олтин мероси» кўргазма-ярмаркасида биринчи даражаси диплом билан тақдирланган, 2007 йил Прагада ўтказилган халқаро «HEFAISTON» танловига фахрли иккинчи ўринни эгаллаган. Ушбу халқаро танловда мутахассислар кўз ўнгига пичоқ ва бошқа қуроллар ясаб, ўзбек металлсозлиги ва қуролсозлиги теран илдизга эга экани, бу илдиздан янги ниҳоллар униб чиқганини исбот этди.

МУНАВВАРА

ВАТАНГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАНДАЙ ОТАМ



АЁЛ

Яратганинг мўжизаси эрур аёл, Ул чароғбон Ватаннинг хар жойидадир.

У Тўмарис бўлди элнинг достонида, Жангга кириб, ёвни енгиб голиб кайтди.

Олов бўлди, қалов бўлди, жони фидо, Бир жонини мингга бўлиб, колди бутун.

Хоксор аёл, андишага бўлиб тимсол, Бўстонидан бир гунчасин олдирмади.

Олис йўллар этса ҳамки холин абгор, Шох Бобурнинг юрагига бўлди малхам,

У Нодира, у Увайсий, Анбар отин, Самарбону бўлди қўлга қалам олиб.

Армонлардан орзуларга бериб қанот, Ғам андуҳин матонат-ла махв этолди,

Хунарманддир, дунё ичра ўз номи бор, Олтин унар тупроғидан, дехкон аёл,

Аёлини сийлаган юрт кам бўлмагай, Дадил бўлар ахдларимиз, шахдларимиз.

\*\*\*

Энг аввало тинглашни билдим, Дард айтишса, йиғлашни билдим.

Юрт дардида яшадим хар дам, Ажралмадим одамлардан ҳам.

ШҲРПЛИКЛАР

Синов асли хар бир дақиқа, Ишк йўлида ўлишдан кўркма.

\*\*\*

У эски хотиралар Нахот, яна сўз олса, Кўз нами кетиб қолар,

\*\*\*

Ишондим сўзларингга, Йўлатмадим бир ғамни.

\*\*\*

Қанотларим қушдай қайрилиб, Тақдир ҳам не қўйларга солди.

\*\*\*

Пулинг, молинг бўлса зиёда, Дўст ичидан изла ғанимни.

Ағёрдан хол сўрадим йўқлаб, Бўлмаслигин билсам ҳам оклаб,

Одамларни суйиб яшайман, Гоҳ куйиб, гоҳ кўниб яшайман.

УМР

Шамол келиб, рўмолимни учирди, Довул уйим бузди, уни кечирдим.

Боларининг қанотлари ҳўл бўлди, Болаларим кўзи йўлда толмасин.

Хонкизини тутиб олди қапалак, Гарчи ҳаёт этагини силтайди.

Кўлча бўлиб ётиб олди кўр илон, Тебратса ҳам кўнмай бола йиғлайди.

Бу битмишлар асли ҳаёт ҳикмати, Бири олов, бири куйган қулчадир.

\*\*\*

Отам лойин қорган пахса деворда Панжасин изи бор, ҳамон кетмайди,

Билмадим, пешона терига қўшиб, Тиклаганми меҳр нурига ўраб?

Кафтимни босаман кафтлар изига, Дилимни қийнаса ҳасрату ситам.

АКА

Ривоятларга кўра опа-синглисининг ҳолдан хабар олгани йўлга чиққан аканинг ҳар қадамида фаришталар дуо қилиб турармиш.

Ака, қараб қўйинг уйимиз томон, Кўзингиз гуноҳдан фориг бўлади.

Ака, мен томонга ташланг бир кадам, Жоним садқа айлаб қилайин меҳмон.

Кўринган манзилда синглим яшар, деб, Узанган бармоққа жон бўлсин фидо.

\*\*\*

Қунлар сулув, тоғлар сервикор, Гуллаб-яшнаур умр баҳори.

\*\*\*

Бошқасини кўзга илмадинг, Ёришди хуснидан олам?! Дилсизлигин нега билмадинг,

\*\*\*

Ўлчар дунё бўйини Бўрондан тўсадиган, Шифти баланд уйининг – Ўғиллар ўсадиган.

\*\*\*

Тақдир ёзини кўрма кир ошиб, Айт, нима афзалроқ яшашдан кўра?! Бас, етар, ичингда юрма адашиб,

Мендан қайтмаса ҳам бирор яхшилик, Сизни оташлардан асрагай Худо.

Тоғдек елкангизга бошимни қўйсам, Тўқилиб кетарми кўксим қайғуси?

Ака, сиздан келар Ватаннинг иси...

\*\*\*

Кимга рангин кўринар дунё Ё кимгадир ўтгучи йўлак? Кимнинг борар йўли зим-зиё,

Тулқиға дашт, бургутга қоя, Марварид денгиздан топилай.

\*\*\*

Юрагимнинг бир четида хавотир, Бир четида милтиллайди умид – шам.

Минг йўлак бор кўнглимнинг кўчасида, Сизга борар йўл топилам, қарасам.

\*\*\*

Гоҳ сени эркалаб, гоҳ тирнадим, Дардимни олдингу, дардинг олмадим.

Оқни қора дема, эй буюк одам, Қорани оқ қилгин қўлингдан келса.

\*\*\*

Гулим дема, гул кўнглимга бир қафасман, Нурум дема, тупроқдирман, ердан пастман.

\*\*\*

Йўқотиб қўйишдан кўркиб яшайман, Кўнгиб беоромдир, дилимда тугён.

\*\*\*

Йўл босиб юрибман ернинг устида, Хаёлим кўк ўпар қошоналарда.

\*\*\*

Эр йигитдан кам бўлмаган кизлигимни Исботладим, мардлик билан ёздим баёт.

\*\*\*

Ҳолимдан қулапти анов қизгалдоқ, Қанча ўй-андиша “оҳ-воҳ”ларимда.

Махорат мактаби

Оёқларига қизил ботинка, устига кўк иштон-кўйлак, бошига эски ола дўппи кийиб олган уч яшар неваря, ҳаммадан олдин ўрнидан туриб, айвонга чиқади.

Неваря зинапоядан авайлаб тушди. Орқасига бир қараб қўяди. Майда-майда қадамлар билан ҳовли эшиги олдидаги мототсикнинг ёнига бориб туради.

Хикоя

БОБОСИ БИЛАН НЕВАРАСИ

– Ҳа-а. Директоримиз кеча педсоветда сени сўраётган эди, нега ишга келмапти деб, – дейди отаси хазиллашиб.

Неваря отаси айтган сўзларга деярли тунунмайди. Ҳатто айрим сўзларни биринчи эшитиши.

Шу пайт отаси бир нарсани тепади, пат-патлаган товуш чиқади. Неваря бир чўчиб туриб, киприklarини пирпиратади.

Агар олиб кетмасангиз, йиғлайман, дегандек, лабларини буреди, елкасини силкиб, бораман, дейди. Отаси парво қилмай кетади.

Неварянинг кўнгли ниманидир истайди. Бир қуни бобоси уни қаергадир олиб борган, у ерда қатта-қатта уйлар бор, одамлар кўп экан.

– Жим ўтир, жим. Қара, анавуни қара. Эҳ-хе, болаларни қара, – дейди бобоси бурчакда турган телевизорга ишора қилиб.

Неваряси бу ярми шиша қатта қутининг телевизор деб аталишини яқиндагина билди. Аммо халигача унинг номини айтолмайди.

– Бобо, бу одамлар қаерда? – Телевизорнинг ичида-да, улим. – Шунинг ичида уйи ҳам борми?

Миттигина неваряси ўзича, кишилар учун энг ширин ва керакли нарса шоколад деб билади.

Эр йигитдан кам бўлмаган кизлигимни Исботладим, мардлик билан ёздим баёт. Бу дунёда йўқотмай деб ўзлигимни, Сен не десанг, ҳаммасига кўндим, ҳаёт.

У хайрон бўлиб, уй ичига назар солди. Печка олдида турган кичкина машинасини

Тоғай МУРОД



кўриб қолади. Машина олдида боради. Шу ерда турган синглисининг кўғирчоқ кизини оёғидан судраб келиб машина устига ўтиргизади.

дарахтлар орасига қараб кетади.

Бобоси кўз остидан неварясига қараб қўяди. Яна ишини давом эттиради. Бобоси пенсияга чиққанига икки ойча бўлди.

Бувук катагига эшик тайёрлайди. У кўлидаги ёғочни қаричлаб қўради, адашиб кетади. Яна қаричлаб, бу сафар калам билан бошлаб белги қўяди.

Дўмбоққина неваряси ўйиндан зерикади. Машинасини судраб келаётиб, товук катагига қараб, ичида товук борлигини қўради.

Кўғирчоқ кизнинг қўлини сугуриб олиб товукка отмоқчи бўлади, лекин ололмайди. Ердан майда тош олиб отади,

– Бобо, товук туғди, мана. – Яхши бўпти. – Тухуми иссиқ экан.

Бобоси ва неваряси қўл ушлашиб ток вайиши остига борадилар. Жажжигина неваряси тоқда осилиб турган узумларга қарайди.

Бобоси неварясига бокиб, беихтиёр ўзининг болалигини эслайди. Кўнглида неварясига нимадир... нимадир пайдо бўлди...

## Бошланиши 1-саҳифада

Симург куши мумтоз адабиётимизда ҳам буюк мутафаккир боболаримиз томонидан нихоятда гўзал талкин қилинган. Фариддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонлари фикримизга далилдир.

Атторнинг “Мантик ут-тайр” асаридagi гоёга кўра, ундаги кушлар Симургнинг сояси, холос. Яъни улар Симургга интилганидагина аҳамият касб этади. Кушлар (инсонлар)нинг бу дунёдаги ҳаёти хижрон ва айрилиқдир, дostonдаги кушлар сўнгги водийда Симург билан бирлик касб этадилар. Навоий дostonида эса риёзат чекиш асносида покляниб, ўзларидаги Симургни кашф этадилар.

Навоий талкинчи, бутун инсониятнинг биргаликда эришуви мумкин бўлган олий тақомил боскичига ҳар бир киши, ҳар бир жамоа ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайд. Бутун инсоният (жами кушлар) унга бирга интилмоғи, бирга-бирга парвоз қилиб, йўл машаққатларини бирга енгиб ўтиб эришмоқлари мумкин. Симург – бир куш эмас, камолотнинг олий боскичи – Тавҳид боскичига кўтарилиб етган ўттиз куш (“симург”)нинг бирлиги – маънавий ягоналик ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоаси, яхлит инсоният. Уларнинг Симург сари машаққатли йўли – бахтли ва одилона жамият сари тарихий изланиш жараёнидир.

Туркий халқларда Симургнинг Хумо, Анко, Давлат куши, Бахт куши, Маркумомо, Кунтубулгон, Булбулгўё ва бошқа вариантлари мавжуд. Симург образи “Қахрамон”, “Ойнаи жаҳоннамо”, “Рустам”, “Кенжа ботир” каби эртақларда атрофли тасвирланган. Бу образ эъза адабиётда ҳам учрайди.

Симург ўзбек халқ эртақ ва афсоналарида ижобий қахрамоннинг дўсти, химоячиси, ҳамроҳи, уни “етти зулмат ичи”дан олиб чиқувчи фантастик куш сифатида гавдаланади. Ўзбек адабиётда Симург афсонаси асосида атоқли шоир Ҳамид Олимжон “Паризод ва Бунёд” дostonини ёзган.

Симург – кадим аждоғларимизнинг ибтидоий тушунчасига кўра, тотемистик хомийлик тимсоли, ботирларнинг мадақкори бўлмиш улкан куш. Бу гўзал лирик образ қачон пайдо бўлгани аниқ эмас, аммо Симург билан боғлиқ кадимий сюжетлар Шарқ халқлари фольклорига кенг тарқалган. У қахрамонни улкан қанотига миндириб, Ер ости дунёсига олиб тушиш ёки Заминга чиқариб қўйиш вазифасини удралай олади.

Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида тасвирланган Симург куш ҳам тарихан “Авесто” мифологиясидаги Сэнмурв образининг эпик тафаккур тизимидаги эволюцияси натижасида юзага келган персонаж ҳисобланади. Гарчи ўзбек эртақчилиги анъанасида

Симургнинг кўриниши ва функциясида Сэнмурвга хос сифатлар кўзга ташланма-са-да, бу афсонавий кушнинг қахрамонни ўзга оламга олиб бориши билан боғлиқ бир деталь унда “ит-куш”га доир айрим белгилар сақланганини кўрсатади. “Зорлик билан Мунглик” эртагида “Симург бир томондан қор-ёмғир билан учиб келибди ва майдалаб ташланган аждарни ютиб юборибди”, дейилади. Бу образ иштирок этган эртақларда кушнинг устига миниб олганча ўзга оламга сафар қилаётган ёки ёруғ дунёга

дарахти билан боғлиқ ҳолда талкин қилинган. VI асрда пахлавий тилида (кадимги форс тилида) яратилган “Минокхрат” ёдгорлиги матнининг 62-бобида бу самовий образ эволюциясини кенг қамраб олувчи тушунчалар картинаси намоён бўлади: “Ўликларга жон ато қилувчи ҳаёт дарахти Хома Ворукаша денгизининг ўртасида ўсади. Ҳаёт дарахтини макон қилган Семурв (Симург) эзгулик хомийсидир. Ҳар гал уясида кўтарилганда дарахт шохларидан минглаб янги новдалар ўсиб чиқади

Исфандиёр дostonигача бўлган воқеаларда иштирок этади. Симург хамиша Золи Зар ва унинг авлодларига энг оғир дамларда кўмаклашади. Масалан, “Шоҳнома”нинг “Рустами дostonинг онадан туғилиши” бўлимида Рудоба туғруқ дardини қийналиб, хушидан кетади. Ҳамма саросимага тушиб қолганда Симургнинг патини ёдга олишади. Зол дарров олов ёқиб, Симургнинг патини оловга ташлайди. Бир зумда Симург пайдо бўлиб, Золга қараб дейди:

**Топиб келтиринглар олмосдек пичоқ,  
Билимдон кимсани топингиз шу чок.  
Санамни май билан аввал маст қилинг,  
Дилидаги алам шаштин паст қилинг.**

Симург ёрдамида Рудобани осонлик билан дардан халос этадилар ва болага Рустам дея исм қўядилар.

Симург одамдек гапиради, жангу жадалларда Золи зар ва Рустамга ёрдам беради, гоҳ доншманд табиб қиёфасида ҳаёт мушкулларини ҳал этишда йўл кўрсатади. Фирдавсий тасвирича, Симург фалақда парвоз қилса, олами зулмат қоплайди, замину замон ларзага келади. У кимсасиз саҳро ўртасидаги тоғ чўккисига уя қурган:

**Бир тоғ бўларди, Элбурз деган тоғ  
Кўёнга яқину ердан қўп узок.  
У ерда Семург уясин ҳам бор,  
Унда бирон киши топиламас зинҳор.**

Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги Симург билан Ҳамид Олимжон дostonидаги Симург образида ўхшашликлар бор. Ҳар иккала асарда ҳам Симург инсонга дўст, инсоннинг оғир қунларига бирга бўлади. Фирдавсийда Семург болаларининг хоҳиши билан Золни боқади, парвариш қилади, тил ўртади, билим беради. Одам жаҳолатга йўл қўяди, куш эса адолат йўлини туттади. У Рустамга аждар, девларни, ҳатто Исфандиёрни енгишда ҳам яқиндан мадақкор бўлади. Ҳамид Олимжон дostonда чин севгидан йироқ, жаҳолатга гирифтор бўлган хон кизи Паризод шартни бажарган Бунёдни қабул қилмай унинг ҳалок бўлишини истаб, дев жангига юборади. Инсон разолатга йўл қўяди, Симург эса Бунёдни жасорат сари йўллайди. Бунёдни дев масканига элтган Симург жасур йигитнинг галабасини қўллади. Семургнинг қахрамон йигитга муносабати ҳамда Бунёднинг дев билан яқма-яққа олишуви ва галабаси тасвирида “Шоҳнома” га ҳамоханлик бор.

Замонавий эрон шеърятини ҳам мазкур образдан самарали фойдаланилган. Ўтган асрнинг 60-йилларида келиб шоирлар ижодида яна бир қанча куш образлари пайдо бўлди. Масалан, Соя, Касроий ва Жоле ижодида қалдирғоч, қалқик ва бургут образи, Муҳаммад Зоҳерий шеърларида баклан (қора куш), канарейка, тўрғай, Нодерпур шеърларида эса худхуд кушидан муайян

символик образ сифатида фойдаланилган.

Сиёвш Касроий асарларидан ўрин олган куш образларидан бири Симургдир. Адибнинг “Сиёвш қони” тўпламидан ўрин олган “Симург қайғуси” номли шеърда афсонавий Симург кушини кўради. Кадимий асарлар ва афсоналарга кўра, Симург куш бўлиб, қариндошларига ёрдам беришга боради ва ўзининг бир қанотини юлиб уларга беради. Рустам ва Исфандиёр дostonида, Зол замонида Симургнинг пағи ўтда қуйдирилади. Бу куш Рустамнинг ярасига дармон топишга шай эди. Аммо бу куш Сиёвш Касроийнинг шеърда биз дастлаб учратган Симург образидан фарқ қилади. Унда у ўзининг улғуворлигини йўқотиб, қанотидан ажралган куш сифатида кўринади. Гарчи дастлаб қанотга эга бўлиб, пахлавонлар ва баҳодирлар қошига шошилса-да, аммо энди у ўзининг нажотбахш қудратини йўқотган, қанотсиз, худди “қари чинор”дек “изтиробли ва гамгин” бўлиб қолган эди.

Касроийнинг мазкур шеърда кадимги асарларда нажотбахш бўлган, аммо ҳозирда ўз имконини қўлдан бой берган, оддий кишидек фикр юритадиган, қанотлари ва парлари тўқилган, қуч-қудрати қолмаган гамгин ва афтода қушга айланган Симург образини кўради. Шу ўринда бир савол туғилади: нега Сиёвш Касроий ҳаётдаги умид ва елиб-югуришни ифода этган “Ораш-е камонгир” дostonини ёза туриб, унинг кетидан маънос ва гамгин шеърларини ўз ичига олган “Хун-е Сиёвш” дostonини ёзган. Мазкур тўпламдан ўрин олган “Ан-дух-е Симург” (“Симургнинг гами”) шеърда бу нажотбахш кушни шундай тасвирлайдики, энди у ҳаракат қилишга ночор, ҳатто ёрдам ҳам беролмайди.

Сиёвш Касроий метафизик элементларни камайитириш ва заифлаштириш истагида инсонни саҳнада (асарда) намоён қилди. Негаки, бу асарда инсон ўз тақдирини масъулдир, у ўз келажаги ва тақдирини белгилайди.

Хуллас, Симург образи жуда кадимги даврларда пайдо бўлган, эзгулик тимсоли, шарқ халқлари адибларининг севимли тимсолари қаторига кирувчи куш образидир. Симург кушидаги улғуворлик, инсонпарварлик каби фазилатлар, гарчи турли-туман сюжетлар орқали китобхон эътиборига ҳавола этилган бўлса-да, шарқ халқлари маданиятининг ўзаро уйғунлигини намоён қилади. Турли даврларда шарқ халқлари бошидан кечирган тақдир синовлари ҳамда жамиятда юз берган ўзгаришлар бадий тўқималар асосида Симург куши тимсолида ёритиб берилган.

Динора ЮСУПОВА,  
Тошкент давлат шарқшунослик  
университети ўқитувчиси



# СИМУРҒ — ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

кайтиб чиқаётган қахрамон то манзилига етгунича Симургни гўш бериб боқади. Бу эса Симург “Бундахшиш”да қайд қилинганидек, “оғзида тиши бор”, яъни итга ўхшаб гўштхўр жонзот эканлигини англатади. Бизнингча, Сэнмурв ёки Симург кадимги ўрта осиеликлар мифологиясида ит гавдали, куш қанотли афсонавий жонивор сифатида тасвирланган. Кейинчалик эса бу мифологик тасаввурлар унутилиб кетди. Энди у эртақ ва дostonларимизда қахрамонни мушкул аҳволдан қутқарувчи, полонларини аждар хуружидан омон сақлаб қолган қахрамонни олис манзилига етказувчи, қахрамонга кўмаклашувчи ҳаёлий куш образи тарзида тасвирлана бошлади. Аслида эса, Симург ҳақидаги мифологик тасаввурлар генетик жиҳатдан куш туҳумидан чиққан ит ҳамда қулдек уча оладиган қанотли ит – грифон ҳақидаги кадимги мифологик афсоналарга алоқадордир.

Қадимги космогоник мифологияда Симург образи оламнинг самовий тузилишига бевосита алоқадор афсонавий ҳаёт

ва ҳар сафар кўнганда минглаб шохлар синиб, жами ўсимлик уруғлари турли томонга сочилади”.

Ҳаёт дарахтининг самовий куш билан боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурлар Скандинавия, Ҳинд-европа, Сибир, араб халқлари мифологиясида ҳам учрайди. Шу нарса диққатга сазоворки, мифлардаги ҳаёт дарахтининг учиди қатта куш тасвирланса (кадимий Ҳинд-эрон мифларида – Симург, арабларда – Какнус), илдизига илон ўралиб ётади (скандинавияликлар мифларида Нидхегт номли илон). Мифик “ҳаёт дарахти” “Авесто”да тасвирланган Хома (ҳинд мифологиясида – Сом) ёки “Хварри” (“Серсув”) номли дарахтни эслатса, куш ва илон ҳамда Шарқ фольклоридagi Семург ва у уя қурган қатта дарахтга чирмашган илон образлари орасида хайратланарли ўхшашлик бор.

Фирдавсий шарқ дostonчилигида биринчи бўлиб афсонавий куш Симург образини яратди. Ҳайритабий куч ва қудратга эга бу парранда Золнинг чақалоқлиги даври тасвиридан то

Юртимиз тарихи жуда бой. У кўп асрларни бағрига олиб, тарихий, бадий китобларни безаб турибди. Биз Бўронтепа тарихини излаб, қатта хазинага дуч келдик. Бу обида тарихининг бошланиши Пашанг, Вега, Афросиёб, Фирдавси-ю Бормонга бориб тақалапти. “Ашқол ул-олам” китобининг муаллифи Абу Абдулло Муҳаммад бинни Аҳмад ал-Жайҳоний гаройиб фахр келтиради: “Ба Хоразм жуз аз қасаба ва Журжония шаҳри дигар аст. Чун Даром, Хазорасф, Хева, Рахшимат, Содарзан, Замахшар, Навхост, Бартагин, Мадина, Муродхон”. Ал-Жайҳоний номларини келтирган бу шаҳарларнинг айримлари бузилиб кетган. Чунки улар Исломдан олдин қад кўтарган шаҳарлар бўлиб, Афросиёб, Пашанг, Сурха, Вега даврига тўғри келади. Рахшимат, Содарзан каби шаҳарларнинг фақат ҳаробалари қолган эди. Ал-Жайҳоний даврида (IX–X асрларда) Хоразм шаҳри бор эди...

Фирдавсий “Шоҳнома” китобидида тилга олган Бартагин шаҳри-чи? У нима маънони билдиради экан? Балки Бормондир. “Шоҳнома” китобига ёзилган луғатда: “Бормон, номи пахлавоний туроний, Писари Виса” деб шарҳ берилган.

“Шоҳнома”дан шу нарса аён бўлдики, Бирулон (Бормон, Пирон) Афросиёб ва унинг отаси подшоҳлиги даврида қатта сиёсий мавқега эга шахс бўлган. Оддий аскарликдан бош вазира даражасигача кўтарилиш йўлини босиб ўтган асл жангчи бу замин ҳақку хурмати учун бир умр хизмат қилган. Отаси Виса, укаси Пилсам ва аёли Гулшахр билан шу ватан, юрт ободлиги учун камарбаста бўлган.

Бўронтепа биздан жуда узок-узокда турган ўта кадимий хилқат. Тепалиқнинг тузилиши, қорамтир тупроғи, устида ўйнаб юрган шамолларнинг шивирни кишини мафтун қилиши, шубҳасиз. Тепа-

лик – бу кадимий шаҳарнинг истехкоми. Жануб томонда эса гузар, маҳалла, долонлар ўрни хоктепа бўлиб турибди.

Шаҳар вақтида қандай кўринишга эга бўлган?

Бўронтепа ҳақида рус археолог, жумладан, шундай ёзган: “Бўронтепа Варахша шаҳридан Хожа Ўббонга борар йўли устида, унинг шимолида жойлашган. Бу жойлашиш 12 километрни ташқил этади. Бўронтепа ўрта гуруҳга кирувчи шаҳарларнинг энг шимолдагиси ҳисобланади. Шаҳарча 2га квадрат қисмдан иборат. Эгаллаган майдони кичикроқ. Лекин шимоли-ғарбда жойлашган тепалардан баланд. Тепалиқнинг биринчи қисми билан иккинчи қисми йўлак (долон) билан туташган. Бу ердаги сопол парчалари, қошин, ранглар Варахшадан топишган сопол парчаларига ўхшайди. Бўронтепа олдинги йиллари (кадимда) аҳоли яшаш жойи бўлган” (Василий Афанасович

Шишкин. “Археологические работы 1937 г. В западной части Бухарского Оазиса”, Москва, 1969 г.).

Бирулон кўп дизалар тиклаб, лашкарни у ерда жойлаштириб, худудлар хавфсизлигини таъминлади. Укаси Пилсам, отаси Виса, аёли Гулшахр, қатта кизи Жарира, яна иккита кичик кизининг хурмати учун ёз ойларида бежавотир дам олиб, овга чиқиш, насли отларни кўпайтириш, ўз қўли билан боғроғ яратиш учун ана шу шаҳарчани тиклади.

Номини эса ўз исмига қўйди: “Бирулон”. Чунки у отаси Висанинг туғилган юрти Бартагинга бир неча марта борган. Қариндош-уруғларини кўрган. Бартагин шаҳрининг тузилишини томоша қилиб, кўнглида ана шундай шаҳарнинг такрорини ўзим ҳам қачондир тиклайман, деб ниёт қилган. Сабаби, Бартагин шаҳри ўхшаш бошқа кентларда йўқ эди. Ичиди сув ариғи бор шаҳар гўзал, оқар сув ариғидан фойдалан-

ган шаҳар аҳли соғлиги мустаҳкам, оташқада, сув тўла хумлар қатор туриши эса, гаройиб кўринарди. Бартагиннинг қалин девори устида дехқонлар араваши юрарди. Даладан юборилган дон-дун, қовун, пичан каби энг зарур махсулотлар тўғри шаҳар марказига олиб келинган, шаҳар бозорчаларида савдога қўйилган. Хусусан, шинни тўла хумлар атрофида болариларнинг мазахўрак бўлиб унишлари хуш кўринарди. Шаҳар кўриниши жуда гўзал бўлиб, шинак, айланма девори учта эди.

Биринчи девор – хокрез, иккинчи девор – ясовул жойи, учинчи девор – зарба номлари билан аталар, хокрезнинг шундоқ ёни билан сув тўла хандак, хандак устидан туттарновли осма ариқ ўтиб, қалъага қирар, шаҳарнинг 80 гектарлик худудини айланаб, яна уч девор оралаб осма ариқ орқали чиқиб, работ, қарвонсарой, боғ-роғларга қуйиларди. Деворлар устидаги шинакларда чаптаст



## БЎРОНТЕПА

қорувлар ўтириб, тўрт томонни кузатарди. Қоронгу тушар-тушмас Бартагин шаҳри дарвозалари ёпила, осма кўприқлар кўтарилар, осма тут тарновли ариқ ҳам бир чеккада дам оларди. Бормон Бартагинга ўхшаш кент қурганди.

Бирулон шаҳрининг асосини, шаҳарсолик кўринишини куну тун ёниб турувчи оташқада белгилаб берарди. Ҳаммага қулай бўлсин деб оташқада шаҳар ўртасида қад кўтарган эди. Одамларнинг эрталаб-кечқурун олов чўғи олиб кетишлари учун махсус одамлар хизматда бўларди.

Бирулонда ички кабрстон, бир чеккароғида муғхона, яна бир тарафида регистон майдони, шиша-пазлик, пухтапазлик хумдонлари бўлиб, хунармандлар, темирчилар, тери ошловчилар гузарлари алоҳида-алоҳида, асосий қайроқ йўлининг ўртадан кесиб ўтиши гаройиб эди. Ички ариқ лабида қурилган сув тегирмони хавонча, қўл тегирмонидан кўра яхшироқ ишлаб, қалъадагилар оғирини енгиб қиларди.

Ёввойи қийик, архар, гўрхарларни тутиб, хонақлаштириш учун ҳам тажриба, имконият мавжуд эди.

Истехкомнинг маҳфий йўли ҳам бўлиб, у ўзга қалъалар билан туташ эмас эди. Бирулон шаҳрига Афросиёб, Сиёвш ташриф буюрганлар. Унинг меҳмонхоналарида (жамоатхона) Хутан, Шошкент, Хуросон, Ховарзамин, Харлон, Усурушана

шаҳристонларидан келтирилган ноёб жиҳозлар турар, девору тоқчалари нақшинкор эди...

Жангу жадаллар, йиллар шамоли, ёмғиру қор Бирулон шаҳрини эгаси вафотидан кейин вайронага айлантдири.

Бутун кадимий кентдан фақат истехкомнинг устки чопони қолган, холос.

Аммо кунчиқар қаватида дам олиш маскани қад ростлаб турибди. Бу дам олиш жойи собиқ вилоят ҳокими Ўқтам Барноевнинг ташаббуси билан тикланди. “Янги Бирулон” шаҳарчаси бағрига неча асрдан кейин сув келтирилди. Бухоронинг кадимий гулжум қўчалари ўтқазилди. Емакхона, музей, дам олиш масканлари бирин-кетин жой олди. Фақат қулхона, маъбад, оташқада йўқ, ўша худуд бор. Сувлар келган қир изи бор. Қум, қул, деворлар гардини олиб кетган шамол ҳам ўша-ўша. Бирулонтепа йўқлик сари йўл олганига кўп йиллар бўлди. Истехком эса ҳамон тўрт эшиги борлигидан сир бой бергани йўқ.

2022 йилнинг бошида кадимий қалъа тарихини топишга муяссар бўлди. Халқ тили билан Бўронтепа деб аталмиш кадимий шаҳристон сирини “Ғиёс-ул-луғот” очди. Бирулон – Афросиёб вазири. Сиёвш ўлдирилган, ордан кўп йиллар ўтмай, Афросиёбнинг Фарангиз исми кизидан туғилган ўғли отаси хунини талаб қилиб келади. Афросиёб Ромтин қалъасига яширинади. На-

## Бошланиши 1-саҳифада

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, даврнинг мураккаблигига қарамай, композитор кенг миқёсдаги воқеликлар ичидан асарнинг асосий, бош драматургик ўзгичини топишга муваффақ бўлган. Бу ўзак Жалолдиннинг мусикий тематик образидир. Қиска ва лўнда партитурада ҳар бир мусикий-симфоник “жумла” гўё сўзлайди ва куйлайди. Р.Абдуллаев кенг миқёсда фикрлайди. Композиторнинг усули ва услуби қай бир жойларда Бетховеннинг дастхатини эслатиб юборди. Унинг бор маҳорати асосий воқеликнинг маъзани – Хоразмшоҳ фожиасини очиб беришга йўналтирилган. Партитуранинг иккинчи мусикий-драматургик ўзгичи босқинчи Чингизхон образидир. Анчагина мураккаб ва кўпқиррали бу образ мусикий ифодада аклли ва узокни кўрувчи шахс сифатида кўзга ташланади. Р.Абдуллаевнинг мусикий тафаккурида Чингизхон фожа машинаси. Бирок композитор партитурасида икки мусикий мавзу, икки гоя ўртасида кучли тўқнашув сезилмайди. Шунингдек, икки хил тафаккур ўртасида очик-равшан тўқнашув, икки қарама-қарши куч ўртасида кураш кўринмайди. Кураш ва тўқнашувларнинг эскизи бор, холос. Уриб ва пуфлаб чалинадиган мусика асбобларининг шовқин-сурони мусикий асарнинг асосий гоий драматургик юкини кучайтиришга хизмат қилмайди.

Мусикий партитурада хорнинг иштироки хамиша ҳам ўзини оқламайди. Одатда эпик, фожеали асарларда хорнинг иштироки қадимги юнон театри қонуларига хос. Юнон театри асосчилари Эсхил, Софокль, Эврипид хордан асарларининг энг асосий, юкори нукталарида фойдаланганлар. Бундай сахналар икки-учтадан ортик бўлмаган. Бизда ҳам Рустам Абдуллаевнинг “Куйшга таъзим” балет-ораториясида, Россия “Большой театр”нинг Ю.Григоревич томонидан яратилган “Иван Грозний” хореографик полотносида хордан фойдаланилган. “Жалолиддин Мангуберди” балетига эса гоий ва бадий зарурат бўлмаса ҳам хор деярли барча эпизодларда қатнашади. Бу эса спектаклнинг психологик рухиятига салбий таъсир этади. Хор артистларининг огир кадамлар билан сахнага кириб-чикишлари кўринишлардаги лирик-романтик кўтаринкиликка, поэтик-драматик муҳитга ҳалакит беради. Назаримда, композитор партитуранинг либреттога таянмаган ҳолда ёзгандек.

Сценарий картиналарга, кичик мустақил “оролча”ларга бўлиниб кетган ва у мусикий драматургиядаги асосий гоя билан умумийликка эга эмас. Яъни сценарий (либретто) муаллифи Меҳмет Балкан балет композициясини яратишини ва ўтган

асрнинг ўттизинчи, олтишинчи йилларида хореографиямизда мавжуд бўлган “балет-драма” жанри йўлидан боришни истаган. Даврини яшаб бўлган ва вақтида ўзини оқлолмаган жанр бугунги замонавий балетга мажбурият тикилгани сезилиб қолган. Бинобарин, Меҳмет Балкан ҳам либретточи, ҳам балетмейстер сифатида драм-балет услубида иш олиб борган. Ўз сценарийси ҳамда хореографик кўримини тўққизта картинага бўлиб, мазкур новелларни боғлаб турувчи гоий-бадий драматургик таянчи бўлмаган мустақил тўққизта новелла яратган. Сценарий ҳамда хореографиянинг қисмлардан иборат экани асосий гоий юкини ва ундаги қарама-қаршилиқни тўлиқ камраб олиш имконини бермайди. Меҳмет Балкан ишида ихчамлик йўқлигининг асосий сабаби шу. Айнан шу бўлиниш постановкачи расом Тайфун Чебига образли ягона сахнавий ечим яратиш имконини бермаган.

## МАРДЛИККА ҚАСИДА

Шунга қарамай, етакчи раққослар сценарийдаги мавжуд сакталикларни четлаб ўтиб, мусикий материалга таянган ҳолда тўлақонли образ яратишга муваффақ бўлганлар. Улардан бири Жалолиддин Мангуберди образи ижроси – сахнада ўйлаш ва тафаккур қилишга қодир бўлган Улуғбек Олимов яратган образ Хоразмшоҳ атрофидаги хавотирли психологик муҳитни ёрити туради. Шу сабабли ҳам Замир Фазлутов ижросидаги Мухаммадшоҳ образи сахнада кўзга ташланмай қолган. Унда шох учун муҳим бўлган юксак рухий-маънавий хислат ҳамда оқилона тафаккур йўқлиги фожеали оқибатларни келтириб чиқаради. Жалолиддин – У.Олимов ёмонлик ва зўравонликка қарши туришга қодир маънавий қудрат ва ҳаққонийлик тимсоли. Унинг севгилиси Гулбону билан биринчи учрашуви ва дуэти (адажио) қўлида ҳали очилмаган атиргул тутган рицарнинг дуэти. Жалолдиннинг хар бир қадами, забардаст биллаклари жангчи-рицарнинг нафақат қалб тешишларини, балки ички гўзал маънавий оламини очишга хизмат қилади. Гулбону ролини бир қадар лирик тарзда ижро этган Ширин Ҳасанова ўз қахрамонининг нозик хис-туйғуларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Бирок бу образни мукамал яратиш учун ёш балерина Ш.Ҳасанова маҳорат етишмаган. У яратган хореографик портретда ёрқин ва аниқ бўёқлар кўзга ташланмайди. Келгусида ёш балерина етук образлари билан мухлисларни хурсанд қилишига умид билдириб қоламиз.

Ўзбек балети юлдузи, тажрибали актриса ва балерина Нодира Ҳамроева Гулбону образини ўзгача талқин этади. Унинг

ижросини репетициялар давомида кузатиб шунга амин бўлдимки, Нодира Жалолиддин билан биргаликдаги дуэтларда юрт келажиги йўлидаги курашларда қахрамонга ишонч ва умид туйғуларини сингдиришга ҳаракат қилади. Гулбону – Н.Ҳамроева Жалолиддиннинг кучли қўлида ёниб турган маёқ, давлат байроғи, Ватаннинг қилич ва қалқони. Асосий қахрамоннинг севгилиси мустақиллик учун курашда кескир қиличга айланиши хореография санъатида камёб ҳодиса. Шу сабабли ҳам образнинг бундай сахнавий талқини эътирофга лойик.

Балетдаги асосий қахрамонларнинг учинчиси – Чингизхон. Спектакль драматургиясининг бутун зиддият юки айнан шу образда мужассам бўлган. Чингизхон инсоният тарихидаги энг ёвуз босқинчи, бор гўзаллик ва яхшилиқнинг қушандаси сифатида ном қозонган шахс. Ёш актёр Достон Турғунов иккинчи акт бошланиши-

да Чингизхонни худди шундай талқин қилади. Айнан еттинчи картина спектаклдаги энг таъсирчан ва ёдга қоладиган эпизод бўлган. Ушбу сахнада Д.Турғунов қахрамонининг ёвузлигини, ўз йўлида дуч келувчи барча гўзалликларни топтаб ўтувчи шафқатсизлигини кескин, кенг миқёсдаги ҳаракатлар орқали ифодалайди. Балетмейстер ва ижрочи ёвуз инсон характери ни очиб беришда аниқ хатти-харакатларни топа олишган. Чингизхон – Д.Турғуновнинг кескин сакрашлари хар дақиқада ўлжасига ташланишга тайёр турган бургунчи эслатади. Шу ўринда Чингизхоннинг мусикий образини яратишда катта меҳнат қилган композитор Р.Абдуллаевнинг маҳоратига тан бериш керак.

Бирок сўнгги – “Жанг майдони” деб номланган тўққизинчи картина томошабинда кучли таассурот қолдирмайди. Чунки икки куч, икки гоийнинг тўқнашуви композитор ва балетмейстер томонидан зарур даражада ривожлантирилмаган. Тасаввуримиздаги энгилмас маънавий қудратга эга бўлган Жалолиддин Чингизхонга ўз галабасининг наҳидасини суришга йўл бермаслиги керак эди. Биз галаба Мангуберди томонида эканини тушунамиз. Спектакль хотимасида балетмейстер қахрамоннинг қочишини ва денгиз тўлкинлари устига табиий қулашини образли кўрсатиб бериши керак эди. Афсуски, балетмейстерда кенг фантазия, замонавий рақс воситаларининг арсенали етишмаслиги асар кульминациясини зарур юксакликка кўтариш имконини бермаган. Балетмейстернинг хореографик драматургияси биринчи картинадан тўққизинчи

картинага ўсиб бориши лозим эди. Бирок бундай бўлмади. Шу сабабли, сўнгги образли вулкон отилиши юз бермади. Чунки спектакль бошиданок хореографик пойдевор кучсиз ва бўш бўлиб, дастлабки кўпгина картиналар кўшимча рақслар билан тўлдирилган. Мангубердининг ҳалокати тинчлик ва ҳақиқатнинг тантанасидир. Шу сабаб унинг ҳалокати балетмейстердан сахнада томошани бадий-образли ҳал этишни талаб қилади.

Назаримда, композитор мусикасида иккинчи даражали қахрамонлар – Элбрус (Д.Хасанов), Гулбонунинг сингилиси (С.Хисматова), Мамуд (С.Темиров), Гулбонунинг дугонаси (В.Борси), Амил ал-Малик (Т.Юнусов), Гулбонунинг онаси (Е.Тихоновская) каби образлар сояда қолиб кетган. Тўғри, бу образларда гоий юк йўқ. Ундай бўлса, асарга ҳеч қандай мазмун-маъно қўшмайдиган образларни киритишдан на наф. Уларнинг

Бирок “Жалолиддин Мангуберди” балети устидаги изланишларини давом эттиради, деган умиддамиз. Агар маъқул бўлса, бу масалада ҳамкасбимга баъзи таклифларим бор. Аввало, шоир ва драматург Максуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” пьесасини диққат билан ўқиб чиқиши керак. Бу янада кучли хореографик асар яратишга хизмат қилади. Биз, хореографлар, айниқса, театршунослар сахна асарининг бадий даражасига баҳо бераётганда шомаслигимиз лозим. Дастлабки таассурот аксарият ҳолларда алдамчи бўлади. чунки янги асар хамиша қувонч билан кутиб олинади. Тўғри, янги асар устида ишлаш жараёни огир кечади. Лекин иш жараёнида юзаки фикрлашдан йироқ бўлиш лозим. Бетақдор балетмейстер, устозимиз Юрий Григорович бир фикрни кўп такрорлади: “Сиз режиссёр, балетмейстерлар ўзингиз ва ҳамкасбларингизнинг асарини таҳлил қилганда, аввало, асар драматургиясининг юки ва яхлитлигини, унинг гоий-конфликтли асосини, сахна қахрамонларининг образлилигини



ўрнига М.Балкан либреттога Чингизхонга қарши курашда жонларини фидо қилган Темур Малик, Нажмиддин Кубро образларини кўшганида мақсадга мувофиқ бўларди. Бу қахрамонлар Жалолиддиннинг душманларга қарши курашдаги тарихий ролини кучайтиришга хизмат қиларди. Айтганча, нима учун ўзбек қахрамонининг ташки кифёси видео кадрларда туркча кўриниш касб этганига тушуниб бўлмайди?!

“Жалолиддин Мангуберди” Меҳмет Балканнинг Алишер Навоий номидаги театрда амалга оширган биринчи иши эмас. Беш йил олдин унинг “Гул кўтарган хоним” (Ж.Верди) спектакли постановкаси хақида ижобий фикрлар билдиргандик.

миллиграммгача чамалаб кўринг. Ана шу нарса сизга “хореографик асар табиати” бадий идрок этишининг барча талабларига жавоб берувчи яхлит спектакль яратиш учун катта йўл очилишига имкон беради...”

Шу маънода биз балетмейстер Меҳмет Балкандан ушбу балет устидаги ишни давом эттиришини ва асарнинг учта асосий бадий воситасини балетга тўлиқ тадбиқ қилишни сўраб қоламиз. Балет труппасига эса ишларида омад ва ижодий сабот тилаймиз.

Аҳмаджон РАҲИМОВ,  
хореограф

## ЁХУД БИРУЛОНТЕПА

бири Афросиёбни таъқиб қилади. Афросиёбнинг энгиллишини билган Пирон (Бирулон) душманининг 700 нафар аскарини бир кечада ўлдирди. Ана шу хабар Бирулон исми турк пахлавонининг бу ёруғ дунёда кўп хайрли ишлар қилиб кетгани хабарининг қалити бўлди.

2022 йил биз бу тепаликка келганимизда, бизга мазкур қадимий шаҳар қолдиқларини “Бўронтепа” деб таништирган эдилар. Гўёки бу шаҳар осмони гаройиб қилмга эга бўлиб, бир томонида куёш чараклаб турса, бошқа томонида шаррос ёмғир ёғиб турар экан. Шу боис ҳам унинг номи Бўронтепа эмис. Бахорда қадимий Бўронтепа қолдиқлари ёнига бориб, кўп кузатиб турдик.

Юқорида айтилганидек, ўша икклимий ҳолат бўлгани йўқ. Куёш чараклаб турди, лекин бўрон бўлганини кўрмадик. Хотирамизга “Ғиёс ул-луғот”нинг ушбу шарҳи тушди: “Бирулон – Афросиёбнинг хос вазирини. У отасининг хунини сўраб лашкар тортиб келган Сиёвуш ўғлининг 700 нафар лашкарини бир кечада мағлуб этди. Хунталаб жангчиларни қалласидан жудо этди”.

Ана шу хабар изидан бориб, тарих титдик. Наршахийдан қоникарли маълумотга эга бўлолмадик. Наршахийдан олдин яшаб, ижод этган назму тарих билимдонни Абулқосим Фирдавсийга юзландик. “Шохнома” бизга энг яқин қўмакчи бўлди. Фирдавсийнинг “Шохнома”

асаридаги мана бу байт бизни хушёр тортирди.

**Яке турк буд, ному ў Бормон,  
Ҳаме хуфтара гуфт:  
“Бедор мон!”**

Таржимаси:  
*Бири турк эди, исми Бормон,  
Ҳамма ухлаганга буюрди:  
“Уйғон! Уйғон!”*

Биринчи тугун очилди. “Шохнома” китобига ёзилган шарҳ-луғатда: “Номи Пахлавон Туроний, Писари Виса” деб ёзилгани иккинчи тугун очилганидан дарак берди. Шундай қилиб, Турон мамлақати учун бир умр фидойилик кўрсатган Афросиёб вазири — Бирулон дostonлар ичидан чиқиб келаверди. “Пахлавоннинг отаси ким?”, “Уқалари кимлар?”, “Қизлари, аёли, Сиёвушга узатилган қизининг исми нима?”, Ҳамма-ҳаммаси бирин-кетин маълум бўлаверди. Сиёвуш ясама қахрамон эмас, унинг Турон заминидеда қурган биринчи шахри қолдиқлари Варахша эканлиги ҳам аён бўлди. Турон бағри қадимий воқеаларга бой замин. Нега Мухаммад Наршахий “Бухоро тарихи” китобини, Абулқосим Фирдавсий 35 йиллик умрини сарфлаб “Шохнома” асарини ёзганлари исботланди. Бу дунёнинг гаройиблигини қарангки, оддий тепалик, қадимий шаҳар қолдиғи қаватларида бой тарих ўтмиш чангга беланиб ётгани кўнгилни

оғритади. Нима бўлганда ҳам биз ўтмишда қахрамон бўлган Бирулонни топишга муяссар бўлдик. Шарҳу изоҳ, исботу таққослашлар орқали у билан юзма-юз турибмиз. Унинг жасорати, бунёдкорлигию элпарварлигидан ибрат дарсини ўқиямиз. Мовароуннахрнинг шимол томонида жойлашиб, яшаб келётган Харлукхон турклари авлоди бўлмиш Бирулондай жасоратли саркарда, бош вазир, кадрдон дўст ўтмиши – бугун кўзгудай ёруғ бўлгани бизнинг ютуғимиз, тарихпарастлигимиз нишонасидир.

Бирулон (Пирон, Бормон) вақтида арик қазиб, чўл томонга сув келтирган Пирмаст (Бирмас) аригидан хали-хануз сув оқиб турибди. Унинг номи билан боғлиқ Бурки сармаст хокжойида дуоғўйлар қадами узилгани йўқ.

Бирулон олдин ўзи учун диза қурди. Бу диза Бухоро шахристонини ичида эди. Кейинчалик Ромишметан, Туроншаҳардан кейин Бирулон шахрини тиклади. Туроншаҳарга яқин Бирулон шахри бўлақча дунё эди. Отаси Висадай, у ҳам қўм-қўқ кенглик, суви хар баҳорда маст бўлар Руди Мосафини яқин кўрарди. Ховарзамин худудига туташ ер, қалаларда сувсизлик ҳукмини кўп ўтказганидан аҳоли қийналарди. Нима қилмоқ керак? У ярим кеча уйқусидан уйғониб кетди. Қўлогига Руди Мосафининг шар-шар оқиши эшитилди. Хўш, у яшаётган Кохгача Руди Мосафининг серсув ир-



Мозийдан садо

моқлари келган. Нега бу ирмоқлар қанотини кенгайтириш, узайтириш мумкин эмас экан? Шу ўй-хаёлар билан эртаси эрталаб Афросиёбга бу фикрни айтди. Афросиёб мамлакатининг кунботар томонини кўрсатади: “Пирон, нимаки хоҳлаган қил. Қўлингидега 100 мингдан ортик лашкар қийналмаса бўлгани”. Бу кўрсатма унинг дилу жонига айланди. Отаси Виса, укаси Пилсам билан маслаҳатлашиб, арик қазилма ташиб кетди.

Руди Мосафининг Бухоро худудидега серсув ирмоғи ўша пайтда 300 километрдан ортик масофани ўз ичига олган сув маҳзини бўлиб, “минг шаҳар” ахлини сувдан шодком қилган хазина эди. Бу оқар хазинани Бирулон Хоразмга туташ худудларга олиб бориш учун кўплаб ишчи, жангчиларни жалб этди. Ҳар 100, 80, 90, 50, 60 километр ораллиғида битта работ, кох, диза, метан ҳам тиклади. Шу тарика сув ариғи қурилиши сабаб

мустаҳкам яшаш манзили, кўплаб кохлар кад ростлагани хақиқатдир.

Руди Мосафдан кунботар томондаги бу кохни Бирулоннинг одамлари бунёд этдилар. Кох ўртаси аниқланган, унинг баланс ва қалин девори ортик лашкар қийналмаса бўлгани”. Бу кўрсатма унинг дилу жонига айланди. Отаси Виса, укаси Пилсам билан маслаҳатлашиб, арик қазилма ташиб кетди.

Маъбад (оташқада) икки вази-фани бажарарди. Дича ахлини чўғолов билан таъминлаш ва саждагоҳ. Ҳар кечқурун, эрталаб дича ахли ўчоқлари учун ана шу ердан чўғ олиб кетиб, тирикчилик қилардилар. Сабаби, ҳаммада ҳам чакмоқтош йўқ эди.

Сув эса муаммо эмас, Кох(қалъа)-нинг икки томонидан айланиб ўтиб, дуоба ҳосил қилиб, яна йўлини давом эттирган Бирмас ариғи бўйида кад кўтарган кохлар сони ортиб борарди.

Ғазни Бирулонда бош вазир ўз ғазнасини жойлаштирди. Бирмас ариғини қазувчилар ана шу мустаҳкам қилиб тикланган масканда кечалари дам олиб, кундузлари иш билан банд бўлардилар. Бирмас ариғи устида осма кўприк қурилди.

Ғазни Бирулон кохи тўрт томонида тўртта дарвоза ҳам тикланди. Кечалари дарвозалар ёпилган, осмакўприк ҳам кўтариларди. Ғазни Бирулонга Афросиёб кўп марта меҳмон бўлиб, вазирининг бундай бунёдкорлигидан шод бўлиб қайтган.

Йиллар, асрлар кетидан асрлар ўтиб кох номининг шакли ўзгарди. Ғазни Бирулон – Ғиждувон кўринишини олгани ҳам гаройиб. Шундай қилиб, Ғазни Бирулон – Ғиждувондай катта туман пойостонасига Буюк Турон мамлакатининг шоҳи Афросиёбнинг бош вазири, жасур жангчи, оқил маслаҳатчи Бирулон асос солганига тарих гувоҳ.

Умед БАҲНОЕВ,  
Ибодат РАҲАБОВА

### Хаёл ва ҳаёт

Винсент Ван Гог ҳақида кўча-кўйда сўрасангиз билишмас, билганлар ҳам бир рассом ёки ёзувчи бўлса керак-да, дейиши мумкин. Унинг ижоди билан танишмагунча мен ҳам у бир мўйқалам соҳиби эди, холос, деб ўйлагандим. Лекин у чизган суратларни уч ўлчамли (3D) форматда кўрар эканман, кўк ва



сарик ранглардангина иборат оламга кириб кетдим, тўрт фасл аро сайр қилдим, кишлоқ ва шаҳар одамлари билан ҳамсухбат бўлдим. Негадир, бари кайфиятсиз, юзида табассум,

хотиржамлик, қувонч йўқ эди. Аммо меҳрибон, юмшоқтабиат, барчасининг яноқлари қуёشمисол порлоқ ва илик эди.

Назаримда, сариқ ранглар учунгина унинг пули етарди, холос. У чизган суратларга махлиё бўлиб, ранглар билан



ҳамоҳанг тарзда қоришиб кетдим. Бу ёрқинлик ва хотиржамлик рамзи бўлган ранглар орқали фақат кайғуни тасвирлаш учун инсон қандай ҳиссиётларни туюши,

юракни қандай оғриқ ва тугён эгаллаб олган бўлиши керак?!

Унинг суратлари ичидан базўр чиқиб олдим. Бахтга қарши, бугун қулишни унутиб қўйган, қувонч нелигини билмайдиган одамлар билан ўтказатган учинчи куним. Лекин ифоридан тўйиб нафас олиб ҳам,

вончдан айро, одамлари бошқа, ранглари турфа-ю кўзлардаги ифода барида бир хил – мураккаблик, сирлилиқ. Шу пайт, гўё узокдан Винсент узун ва эгик гавдаси билан халлослаганча етиб келди-ю, қўлимга бир сурат тутқазди. “Ана кўр, сен учун, фақат сен айтганинг учун, энг сеvimли гулим кунтабокарларни чиздим”, дея аччиқланган овозда гапирарди у. Сохта табассум қилдим, лекин ички бир хоҳиш билан, суратни ўзимга ўнг қилдим. Боши эгик, қуёшдан юзини буриб олган бу расмларни кўриб, Винсентга қўл кўтаришдан ўзимни зўрга тийдим. Нега мен – уч кунлик меҳмонни бунчалар хафа қилмасанг, нега мендан кулгини тортиб олдинг? Сен дунёдаги энг бахтиқаро, ёвуз ва худбин рассомсан, сен шу бахтсиз ҳолингда бу ҳаётдан ўтиб кетсанг керак, деб турган эдим, устозим Забаржад опанинг “Вақт бўлди, кетдик болалар” деган сўзларини эшитдим, қўлимда телефон, 23та расм суратга олинган. Лол эдим, бу сўзсиз суратлар бир соат мобайнида менга нималарни айтмади дейсиз. Ҳа, буюклар ўзи камгап бўлишди, лекин ҳар сафар улар орқали нималарнидир кашф қилаверсан, дейишлари бежиз эмас экан. Ишонаверинг, Винсент Ван Гог ҳақида ҳеч нарса изламанг, ўқиманг, кидирманг, буларнинг бари бекор. Сиз шунчаки, унинг чизганларини топинг, яқиндан кўринг, рассомнинг оламига ташриф буюринг, қолганини ўзи сўзлаб беради.

Отабек АБДУМАЛЛИКОВ

### Газетхон илҳом

## СЕНИ ГУЛГА ҚИЛМАЙМАН ҚИЁС

МЕРОС

Шоир Назармат отамизнинг хотирасига

Бу фаний дунёдан онажонимиз Юракларни доғлаб ўтиб кетдилар. Отангни омонат қолдирдим, дея Сал пичирлаб айтиб кетдилар. Отамнинг ризқлари узилди бир кун, Онамнинг ёнига уларни қўйдик, Пинҳона ёзилган бир марсиани. Жавонлардан топиб, йиғлаб ўқидик:

“Баҳор келди, лекин гулим йўқ,  
Кўнгил излар, унга йўлим йўқ,  
Жудоликдан дилда холим йўқ,  
Қайга кетдинг бу кун, Орифам.  
Сенсиз энди эгикдир бошим,  
Ўтганида етмишдан ёшим,  
Ҳалқа-ҳалқа кўзимда ёшим,  
Қайга кетдинг бу кун, Орифам.  
Жудоликнинг дарди дил ўртар,  
Дилдан йиғлаб ҳар куним ўтар,  
Назарматинг марсия битар,  
Сени қайдан топгум, Орифам.  
Ёруғ олам жонга бир учкун,  
Бир кадам йўл умр жон учун.  
Мен ҳам боргум ёнингга бир кун,  
Сени қайдан топгум, Орифам”.

Меҳрибон, оқида эдилар Онам, Заҳматқаш ижодкор бўлганлар Отам, Халқнинг дарди билан янаб ўтдилар, Зиё тарқатганлар тебратиб қалам. Шоирнинг мероси минглаб нусхада, Тарқалиб кетгандир хонадонларга. Шейрга айланади жонланиб сўзлар, Китоблар ўқилса, олиб қўлларга.

ВАТАН

Қандай сўз-ла улуғлай сени,  
Таърифнингга ожиздур тилим.  
Онам десам бўларми жоиз,  
Муқаддасан, менинг Ватаним

Эгри-бутри чизиклар билан  
Харитада ўралган макон.  
Шу йўсинда кўринар жаҳон.  
Кўёш боқар ҳаммага бирдай,  
Алмашади кеча-кундузлар.  
Койнотда бир хикмат бордай  
Жилмайдик кўкда юлдузлар.  
Ойдин қилар жаҳонни ой ҳам,  
Бир тўлишиб, бир қамон бўлиб.  
Минг шаклга кириб булуллар  
Сузишади самони кезиб.  
Яратганда борлиқни Оллоҳ,  
Инъом бўлган бизга шу ошён.  
Дилда имон, гўзал хулқ билан  
Қад ростлабди ўзбек деган ном,  
Ҳар заррангда мужассам тарих,  
Ҳар заррангда авлодлар хоки.  
Ҳар заррангда келиб-кетганлар...  
Сени севмай бўларми, ахир  
Меҳринг билан тўла бу бағир.  
Ўтмишимсан, бу кун, келажак,  
Бу югимсан аниқ бўлажак.

\* \* \*

Сени гулга қилмайман қиёс,  
Бўлсаларда гуллар бекиёс,  
Минг хил тусда товлансалар-да,  
Кўз қувонар хуснига биров.  
Уларда йўқ сендек жозоба,  
Уларда йўқ миқжон, киприқлар,  
Жамолнинг махлиё бўлиб,  
Йўлларнинг гилам бўлсинлар.  
Юлдуз тугул ой ҳам эмассан,  
Бир самовий жисмдир улар.  
Таърифий йўқ қошу кўзингга  
Бор гўзаллик яққол акс этар.  
Аёлларнинг ўзи мўъжиза,  
Париларнинг тимсоли улар.  
Ҳар жиҳатдан муқаммал жуда  
Улар борки, дунё бут бўлар.

Раҳим НАЗАРМАТОВ

### Огоҳлик

## ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий вазифалари, энг аввало, ёнғинларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг қўламдаги таърибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини кучайтириш, шу орқали ёнғинлар сонини камайитиришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳафтанинг чоршанба кунини “Ёнғинлар профилактикаси кунини” деб эълон қилиниши юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёнғин хавфсизлиги хизмати Тошкент шаҳар гарнизони ходимлари ушбу талаблардан келиб чиқиб ёнғинларнинг олдини олиш борасида доимий равишда хонадонларда, кўп қаватли уйларда бўлиб, ёнғинларга сабаб бўлувчи ҳолатларни аниқлаш, аҳоли билан ҳамкорликда бу нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, мана шундай камчиликлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда.

С.Т.ХУРРАМОВ, Олмазор тумани ФВБ НТБ бошлиғи капитан

## ГўЗАЛЛИККА ДАВЪАТ

### Кўргазма залларида

Тошкент Фотосуратлар уйида очилган “Гўзалликка даъват” деб номланган кўргазма Наврўз байрамига бағишланди. Унда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом Бахтиёр Юсуповнинг эллиқдан ортиқ рангтаъсвир асари намойиш этилмоқда. Рассомнинг аксарият асарларида тасвирий санъатнинг реализм, экспрессионизм, декоративизм каби йўналишлар уйғулигини кўриш мумкин. Бироқ уларни ягона умумий жиҳат – безакдорлик бирлаштириб туради. Рассомнинг “Нонни тафаккур ила англаш”, “Муҳаббат куйи”, “Катта санъат оғушида”, “Тонгдаги фикрлар”, “Муборак хабарлар”, “Огоҳ бўл” каби асарлари ҳамда тематик портретлари эътиборга сазовор.



калтарошлик асарлари намойиш этилмоқда. Анвар Мирсоатов, Хуршид Зиёхонов, Мария Ли-Сафи, Татьяна Фадеева, Жамол Усмонов, Аслиддин Калонов, Фаина Деденёва, Людвиг Нестерович каби

ижодкорларнинг асарларида баҳор нафаси ва гўзаллиги, борлиқнинг фалсафий талқини, янгича бадий изланишларни кўраимиз.

\*\*\*

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида очилган “Ассалом, Янги кун” деб номланган кўргазма Наврўз умумхалқ байрамига бағишланди. Экспозициядан ўндан ортиқ миллий сўзана ва олтимшидан ортиқ аънавий уйинчоқлар ўрин олган. Турли йилларга мансуб сўзаналар жозибаси томошабинлар эътиборини тортиди.

С.ҚОСИМОВА

### Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati»

ЭЪЛОН

### МЧЖ дастлабки очик танлов савдоларига таклиф этади!

“Ko'chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очик танлов савдоларига, “Чорсуе буюм савдо комплекси” АЖнинг 2023 йил 23 мартдаги 40-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчасида жойлашган савдо шохобчасининг ижара ҳукуқи кўйилмоқда:

1. 31-дўкон савдо шохобчаси, умумий майдони 17,11 м² бўлган савдо шохобчаси бошланғич баҳо-си – 55 000 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Талабгорларнинг таклифлари 2023 йил 24 апрель кунини соат 11:00дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Таклифларни қабул қилиш охириги мuddати 2023 йил 21 апрель кунини соат 18:00да тўхтатилади.

Юқоридаги савдо шохобчаларнинг ижара ҳуқуқлари 2023 йил 24 апрель кунини сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2023 йил 01,8 май ва 15 май кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш танлов ўтказилиши белгиланган кундан уч кун олдин, соат 18:00да тўхтатилади.

Савдода катнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан

\*\*\*

Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида ташкил этилган “Ассалом, Наврўз” номили вернисажда икки юздан ортиқ рангтаъсвир, кулолчилик ва ҳай-

ижодкорларнинг асарларида баҳор нафаси ва гўзаллиги, борлиқнинг фалсафий талқини, янгича бадий изланишларни кўраимиз.

\*\*\*

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида очилган “Ассалом, Янги кун” деб номланган кўргазма Наврўз умумхалқ байрамига бағишланди. Экспозициядан ўндан ортиқ миллий сўзана ва олтимшидан ортиқ аънавий уйинчоқлар ўрин олган. Турли йилларга мансуб сўзаналар жозибаси томошабинлар эътиборини тортиди.

С.ҚОСИМОВА

### Гул кўп, чаман кўп



Бейсбол ўйинида

1978 йил апрель кунларидан бирида япон адаби Мураками кутилмаганда ёзувчи бўлишга аҳд қилди. Бу фикр унга бейсбол бўйича биринчилик мусобақаси вақтида келди.

Х.Мураками интервьоларидан бирида ўша аjoyиб кунда ўзининг романи ёзиш қўлидан келишини хис қилгани ва шу окшомдаёқ ижодга киришганини айтади.

### инглиз тилида

“The New Yorker” ҳафталиги саволларига жавоб берар экан, Мураками ўзининг биринчи романи – “Шамол кўшигини тингла” асарини инглиз тилида ёзишга киришганини айтади. Аммо асар кўнгилдагидек чикмайди.

“Мен инглизчада қисқа ва содда гаплар билан ёза олардим, холос. Оқибатда оддийгина насер пайдо бўлди”, деб тан олади Х.Мураками. Шундай бўлса-да, ёзувчи бу сингари ури-нишларини аjoyиб машқлар деб ҳисоблайди.

### дастлабки асарлар

#### Хулқид

Х.Мураками дастлабки икки китобини инглиз тилига таржима қилинишини ва умуман, улар Япониядан ташқарида нашр этилишини хохламайди. Улар АКШда 2015 йилга келиб-гина чоп этилди.

### асарларини ўзи

#### таржима қилмайд

Ёзувчи ўзи ноёб деб топган бадий асарларини инглиз тилидан япончага таржима қилади, аксинча эмас. Эҳтимол, ўзининг асарларини инглизчага таржима қилганида шу тилда гаплашувчи мамлакатларда уларнинг тарқалишига замин яратга оларди, аммо бундай қилмайди.

Мураками ўз асарларини кўпдан ҳамкорлик қилиб келатган таржимонларга ишонади, фақат таржималарга айрим аниқликлар киритиши мумкин.

Ёзувчи ўз асарларини япон тилида қайта ўқимайди, аммо инглиз тилида ўқиб чиқиси мумкин.

### муаллифларни ёқтирмайд

Ёзувчи ижод жараёнини асарни нашрга топшириш мuddатига боғлашни ёқтирмайди.

Албатта, бошқа ёзувчилар ҳам буни истамаса керак. Аммо Х.Мураками каттик меҳнат қилди ва асар маромига етмагунча ишлайверади.

“Асар ниҳоясига етганда – тугал бўлади. Аммо ўша лаҳзагача у маромига етмайди”, деган эди ёзувчи “The Guardian” нашри саволларига берган жавобида.

### рафиқасининг жавоби

#### муҳим

Йоко Такахаши (ёзувчининг рафиқаси) унинг биринчи ўқувчиси ва танқидчиси. Чунки у ижод жараёнида мунтазам фойдали маслаҳатлар бериб боради.

Ёзувчи матн устида қайта-қайта ишлашга берилиб кетганда ҳам уни фақат рафиқаси тўхтатиб қолиши мумкин.

### жаз ишқибози

Мураками бир кунда ўн соатдан ортиқ жаз мусикаси тинглаши мумкин. Унинг бисотида 40 минг дондан ортиқ пластинка бор. Чунки у дастлаб мусика дўконига ишга кирган, аниқроғи, сотувчилик қилган. 25 ёшга тўлганда Токиода “Питер Кэ” деган жаз-бар очиб, уни етти йилча ўзи бошқаради. 2018 йилда Токуо FM радио тўлқинларида ўзини диджей сифатида синаб кўради.

У америка адабиётини яхши кўради ва мунтазам таржима қилиб боради. Ирвинг, Фицджеральд, Сэлинджер ва бошқа кўплаб ёзувчиларнинг асарлари унинг таржимасида япон тилида чоп этилган.



## O'ZBEKISTON adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент - 100083,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта манзили:  
uzas.gzt@mail.ru

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи  
ХУМОЮН АКБАРОВ

Тахририятга келган кўғезмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ  
Саҳифаловчи: Ниғора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Адади - 1181. Буюртма Г - 338.  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

Лицензия RR-0001.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



Босмаҳонаси.

Босишга топшириш вақти - 21.00.  
Босишга топширилди - 21.35.

Босмаҳона манзили:

Буюк Турон кўчаси,

41-уй.

ISSN 2303-614X

4 7 2 1 8 1 6 1 4 0 0 0